


Джамшид Шербутаев

БИРИНЧИ ҚАДАМ, ЁХУД МУВОЗАНАТ



Джамшид Шербутаев

БИРИНЧИ ҚАДАМ, ЁХУД МУВОЗАНАТ

“LESSON PRESS”
Тошкент-2022

UDK:7,091 (075)

КБК:85.33

К-23

Джамшид Шербутаев Пулатович. Биринчи кадам, ёхуд мувозанат (қисса). Тошкент. “Lesson-Press” нашриёти 2022 йил. 136 бет.

Ушбу саргузашт қисса (Биринчи кадам, ёхуд мувозанат – бадий тўқима) инсоният ва табиат ўртасидаги мувозанат ҳамда келишув ҳақида. Жадал ривожланиб бораётган технология асри ва креатив гоялар даврида яшаймиз. Инсоният – ер сайёрасининг жамики тирик организмлари билан уйғун ҳаёт кечириш шартлари, қонуниятлари мавжудлигини унутмаслик кераклиги тўғрисида ҳикоя қилади.

Асарда ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топишга интилаётганлар... Эзгу орзуларини қатъият билан мақсадга айлантиришга иштиёқмандлар ҳақида сўз юритилган. Муаллифнинг ушбу асари сизга манзур бўлади деган умиддамиз. Асар ўқувчилар қалбидан жой олишига ишонамиз.

ISBN 978-9943-8939-2-4

© Джамшид Шербутаев
© www.kitobxon.com

Джамшид ШЕРБУТАЕВ

БИРИНЧИ ҚАДАМ, ЁХУД МУВОЗАНАТ

Саргузашт қисса

Ўн иккинчи июль...

Нижегород вилояти. Нижний Новгород шаҳри.

Сергей Игоревич Данилов (62 ёшда).

Нафақада... Собик кўз шифокори (Офталмолог).

Икки ўғли, бир қизи ва етти нафар набираси бор.

Афсуски, ўзи ёлғиз... Турмуш ўртоғи вафот этганига беш йил бўлган. У ўзининг ошхонасида тушлик учун бўғирсоқ тайёрлаш билан банд.

Ошхонада барча нарсалар ўз ўрнида... Мойчечак гуллари тасвири туширилган ликопчалар, ёғоч қошиқлар... “Матрёшка” шаклидаги зияворларга тўла идишлар... Барча нарсалар бежирим ва озода бўлиб турибди.

Дераза токчасида турган уй телефони жиринглади.

Сергей телефон тугмачасини босиб:

– Алло, эшитаман!

Сергейнинг собиқ ишидаги ҳамкасбларидан бири
Антон (Анатолий Алексеевич Крилов):

– Алло! Устоз, сизни безовта қилдим!
Яхшимисиз! Қисқа қилиб айтаман. Беморни кўзига
нимадир санчилган. Аниқлашга уринаяпман!
Қорачиғига жуда яқин санчилган. Қандай чиқариб
олишни билолмаяпман!

Бу пайтда даволанувчи оғриқдан ва кўрқувидан
тинимсиз бақирар эди.

Сергей шошилмасдан, ўта нозиклик билан
бўғирсоқ тайёрлар экан, Антонга шундай деди:

– Ўнг кўзими ёки-и чапими?

– Сергей Игоревич! Бу нима – ҳазилми?

Қизариб пишган бўғирсоқларни эҳтиёткорлик
билан қайнаб турган ёғдан олиб, лycopчага жойлаётган
Сергей:

– Эркак кишими ёки аёл?

– Бу қанақа савол?.. Ичиб олганмисиз?

Сергей баландроқ оҳангда:

– Эркак кишими ёки аёл?

– Албатта эркак киши!

– Исм-шарифи нима?

Антон асабийлашишни бошлади:

– Ахир, бемор хитойлик! Бирорта гапига тушуниб бўлмайди. Ёши йигирма икки-йигирма учларда чамаси. Устида кўк рангли қурилиш комбинзони бор. Оиласида иккинчи ёки учинчи фарзанд деб тахмин қиляпман.

“Сергей Игоревич, балки Хитой элчихонасига кўнғироқ қилиб, сўраб кўрарман?”

– Кийимини ҳидлаб кўр!

– Нима?

Шундан сўнг устози айтганидек унинг кийимини ҳидлаб кўрган Антон:

– Темир қириндиси ҳиди.

– Эшикни ёнидаги радиоприёмникни ол!

– Нима-а?

Ёш шифокор бироз иккиланиб қолди ва зудлик билан деворда михга илиниб турган радиоприёмникни қўлига олиб:

– Олдим! – икки сонияга ўйланиб, – ҳа, тушундим!

Шундан сўнг радиоприёмникни ерга зарб билан уриб синдирди. Ундан магнитни олиб, беморни кўзига яқин олиб борди. Беморнинг кўзига кирган темир қириндиси учиб чикди ва магнитга ёпишди.

Антон қилган ишидан мамнун бўлиб:

– Ҳа-а-а!!!

Сергей тайёр бўлган таомни стол устига қўйиб:

– Сабрсиз бола... – дея телефонни ўчирди.

Шу пайт телефон ёнидаги газетадаги бир мақолага кўзи тушиб қолди. Қўл бармоқларини қўл сочиқ билан тозалади ва газетани олиб ўқишга тушди. Унда шундай деб ёзилган эди:

– “Биринчи кадам” ўйинида иштирок этинг ва тўрт миллион рублга эга бўлинг! Ўйинда қатнашиш бепул. Маълумот учун телефон...

Ленинград вилояти. Санкт-Петербург шахри.

Пётр Вадимович Беляев (31 ёшда).

Биатлон бўйича ёшлар жамоаси тренерларидан бири...

Дарс хонаси...

Уч қаторга тизилган парталарда ўн беш нафар ўқувчи дарс тингламоқда. Баъзи шўх болалар бир-бирига қоғоз бўлагини улоқтириш билан овора. Шундай қоғоз бўлакларидан бири Пётр Вадимовичнинг ёнига келиб тушди.

Пётр доскага ёзишдан тўхтади ва ўқувчилар томон ўгирилиб:

– Хў-ў-ўш. Ҳамма ўрнидан турсин!

Барча ўқувчилар ўрниларидан туришди.

Пётр: “Энди, мен ишора қилмагунимча ҳамма “старт” ҳолатида турсин! – болаларнинг барчасига бир-бир назар ташлаб, – Мана шундай!”

Сўнгги қатордаги ўқувчи бола, ўзидан олдинги қатордаги ўқувчи қизни кўрсатиб, ёнидаги партадошига ўнг қўли бош бармоғини кўтариб ишора қилди. Сўнг пастги лабини тишлаб, бош чайқаб кўйди.

Пётр қоғоз бўлагини олиб, уни оча бошлади. Бу – газета бўлагини эди. Унда шундай деб ёзилган:

– “Биринчи кадам” ўйинида иштирок этинг ва тўрт миллион рубльга эга бўлинг! Ўйинда қатнашиш бепул. Маълумот учун телефон...

Татаристон Республикаси. Қозон шаҳри.

Ёш йигит – **Рамиль Ильдусович Дивеев**
(16 ёшда).

Ота-онасидан эрта етим қолган. Холаси асраб олган... “Аквапарк Ривьера”да болалар учун турли чироқчали ўйинчоқлар ва “фонарик”лар сотувчи шахс билан ўзаро келишиб, маҳсулотларини сотиб бериш билан шуғулланади.

Рамиль сеvimли сақичини чайнаб, ўтган-кетганларга бақиради:

– Келинлар, олинглар! Ажойиб товланувчи таёқчалар... Сувда ҳам ўчмайдиган фонарлар...

Шундай деб кичқирар экан, қўллари билан газетадан ўзига бош кийим тайёрлаб, бошига киймоқчи бўлди ва унинг бир четидаги сўзларни ўқиди:

– “Биринчи қадам” ўйинида иштирок этинг ва тўрт миллион рублга эга бўлинг! Ўйинда қатнашиш бепул. Маълумот учун телефон...

Ростов вилояти. Ростов-на-Дону шаҳри.

Таисия Геннадьевна Новикова (23 ёшда).

Сочлари қизил, сарик, яшил ва кўк рангларга бўялган... Ўта замонавий қизлардан. Кийиниши ҳам шунга мос... Ота-онаси (отаси – “Горкий парк” ишчиси, онаси – чевар.) нинг ўзаро жанжалларидан безор бўлган қиз шошилиб уйдан чиқди. Албатта, бу келишмовчиликлардан унинг ҳам кайфияти бузилди. Эшикни ёпиб, кўзларини “чирт” юмди. Бироз муддат деворга суянганча нималарнидир ўйлади. Сўнг югурганча ишига йўл олди...

Аёллар гўзаллик салоида уни ҳамкасабалари кутиб олишди.

Ҳамкасабаларидан бири Надия:

– Ҳа!.. Яна кайфиятинг йўқми?

– Яна бошланди!

Надия: “Эрга тег! Ўшанда ҳаммасидан кутуласан!”

Таисия ҳам киноя қилиб:

– “Ҳа-ҳа-ҳа! Жуда кулгули...”

Шундай дея унга махсус сочга ишлов берадиган дазмолни узатди.

Мижоз Таисияга кўлидаги газетани бериб:

– Аҳмоқлар кўпайиб бормоқда! Ўқинглар!

“Биринчи кадам” ўйинида иштирок этинг ва тўрт миллион рублга эга бўлинг! – истехзоли кулди ва кўшиб кўйди, – Ярамас ёлғончилар!

Таисия уни кўлидан газетани олди ва ёнидаги ахлат идишига ташлади. Сўнг стулига ўтириб, бир муддат нималарнидир ўйлаб қолди. Эгилиб газетани ўзи ташлаган жойдан олиб, ундаги ўша жумлаларни ўқиди:

– “Биринчи кадам” ўйинида иштирок этинг ва тўрт миллион рублга эга бўлинг! Ўйинда қатнашиш бепул. Маълумот учун телефон...

Самара вилояти. Самара шаҳри.

Александр Константинович Горин (34 ёшда).

“Вива Лэнд” супермаркетининг кўриқчиларидан бири (собиқ ҳарбий)...

Уйида тартибсизлик... Деворда бир қанча расмлари ва фахрий ёрлиқлар осифлиқ... “Охранник супермаркета – Вива Лэнд” деб ёзилган махсус кийим шундоққина остона олдида, гиламнинг бир четида ғижимланган ҳолатда ётарди. Икки шиша бўшаган коньяк идишлари, нон ва колбаса бўлаклари стол устида... Стол четидаги соат 10:00. “Будильник” тинимсиз чалина бошлади.

Эриниб уйғонган Александр ўрнидан туриб, душга кирди ва кутилмаганда бақириб: “Жин урсин...” – дея югуриб чиқди.

У совуқ сувга тетиклашгани учун сочиққа ўранди ва стулга ўтирди. Оёғи остига ёпишиб қолган газетани олиб, стол устига ташлади. Шунда газетадаги ғалати бир эълонни кўриб қолди. Қўлларини сочиғига артиб ўқишга тутинди:

– “Биринчи кадам” ўйинида иштирок этинг ва тўрт миллион рублга эга бўлинг! Ўйинда қатнашиш бепул. Маълумот учун телефон...

Хабаровск ўлкаси. Хабаровск шаҳри.

Дмитрий Павлович Угаров (45 ёшда).

Ичкилик сабаб хотини уйдан ҳайдаб юборган...

Ҳозирда Москвада яшаб, кун кечиради. Бир гуруҳ киракаш йигитларга мижоз топиб бериш билан шуғулланади. Етти нафар такси ҳайдовчилари билан суҳбатлашиб турар экан, ҳамманинг эътибори унда эди:

– Хуллас, хотиним катта қозон билан бошимга шундай урдик! Хабаровскдан Москвага қандай етиб келганимни билмайман?!

Атрофидагилар мириқиб кулишарди...

Дмитрий: “Академический, Чермушки, Коньково, Ясеневога юрамиз!” – деб бор овози билан бақирганча одамлар орасига кириб кетди.

Воронеж вилояти. Воронеж шаҳри.

Екатерина Георгиевна Ветрова (30 ёшда).

Етим қиз... Меҳнатсевар...

Ташкилотлар, хиёбонлар худудида ёлланма ўт ўрувчи... Албатта ўзининг шахсий ўт ўриш қурилмасида!

Соат 18:00.

У ўз ишини тамомлади...

Унга иш ҳақини бераётган шахс:

– Бундан ортиқ пул бера олмайман! Ахир бу ташкилот худуди! Шахсий томорқам эмас!

Екатерина ижарада турган уйи томон йўл олди. Кўримсизгина кўп қаватли уйнинг иккинчи қаватидаги эшикни очди. Ичкаридан эркак ва аёл кишининг овози эшитилди.

Екатерина бу вазиятдан ҳайрон бўлиб:

– Уйда ким бор?

Уй ичидан эркак кишининг овози эшитилди:

– Ҳа-а, сенми? Бу мен – уйни эгасиман! Истасанг, ичкарига кир! Қизлар ҳам бор...

Ичкаридан иккита қизнинг кулган овози эшитилди. Екатерина эшикни зарб билан ёпиб кўчага чиқиб кетди.

Москва кўчаларида тунги чироқлар ёқилган... Йўл бўйидаги дўконлар ойнасидан савдо қилаётган одамлар кўринади.

Дмитрий тамаддихонада овқатланиш билан овора. Албатта сеvimли ичимлиги – ароқ билан... Стол

бурчагида кимдир унутиб қолдирган газетани бир бўлагини олди. Унга нон ва гўшт бўлагини ўраб, сўнгра чўнтагига жойлади. Газетани қолган қисмини жойига улоқтирмоқчи бўлди-ю, бирдан сарлавҳадаги ёзувлар унинг эътиборини тортди:

– “Биринчи кадам” ўйинида иштирок этинг ва тўрт миллион рублга эга бўлинг! Ўйинда қатнашиш бепул. Маълумот учун телефон...

Воронеж шаҳри. Ленин майдони.

Екатерина майдон марказидаги монумент ёнига келиб ўтирди. У жуда чарчаган, юзларида тушкунлик... Куни билан меҳнат қилгани камлик қилгандек, энди кўчада оч ва ёлғиз... Мовий кўзларидаги ёш атрофдаги чироқларни акслантириб, ялтирарди. Қўллари билан юзини беркитиб, титраб, йиғлай бошлади.

Шу пайт ёши олтмишларда бўлган аёл унга яқин келиб деди:

– Сумкангдагилар ерга тўкилиб кетди!

Буни эшитган Екатерина нарсаларини битта-битта олиб сумкасига қайта жойлар экан:

– Узр!.. – кейин унга ёрдамлашаётган аёлга, – Йўқ – йўқ, ўзим... Илтимос! Раҳмат!

Аёл гап бошлади:

– Хижолат бўлма қизим! – бошини кўтариб, осмонга қаради. – Ҳаёт доим ҳам биз истаган нарсаларни беравермайди! – деди қизга жилмайиб қараганча. – Бироқ бу... Куюнишингга ҳам арзимаслигини ўйлаб, таскин топасан!..

Иккиси ҳам енгилгина бир-бирларига жилмайиб қўйишди.

Аёл яна гап бошлади:

– **Елена Николаевна Жаркова** (57 ёшда). Омскданман. Мактабда фаррош бўлиб ишлаган ва нафақага чиққан бир аёл!

Екатерина: “Екатерина Ветрова. Ҳеч кимим йўқ – етимман!” – дея уялиб бошини эгди.

Елена: “Бу ҳаётга барчамиз ёлғиз келганмиз! – деди бироз жим туриб. – Шу шаҳарда ота-онам билан яшаганман!.. Уларни қабрларини зиёрат қилгани келдим! – деди енгилгина кулиб. – Энг қизиғи, бугун ўз она шахримда меҳмон бўлиб, меҳмонхонага жойлашдим! – Сўнгра қизнинг кўзларига қараб, – сени ҳам меҳмон қилишни истайман! Яна... “Юкларимни кўтаришиб юборармикан?” деб ўйладим ҳам. Қизим?!”

Иккови “AZIMUT – Отель Воронеж” га кирдилар.

Шинам, ёруғ ва барча шароитларга эга хоналардан бирига жойлашган Елена Екатеринани ўз хонасига таклиф қилди.

Елена: “Раҳмат қизим! Сени учратганим яхши бўлди. Анави хонада душ бор! Ювиниб олишинг мумкин!”

Екатерина душ қабул қилиб чиқди ва иккаласи кечки овқатни бирга тановвул қилишни бошладилар.

Елена анчагина кайфияти кўтаринки руҳда:

– Энди, Москвага бормоқчиман! У ерда ҳеч қачон бўлмаганман! Кампир бўлиб қолган бўлсам ҳам шаштимдан асло қайтмайман! – енгилгина кулиб, овқатланар экан, Екатеринага бир газетани бериб, – қара! Шу ўйинда қатнашмоқчиман! Қизим... Менга ҳамроҳ бўлишингни истайман!

Екатерина кутилмаган бу таклифдан уялиб:

– Елена опа?! Йўқ, сизга ортиқча юк бўлишни истамайман!

Елена майин овозда:

– Агар мен билан бормасанг, ортиқча юкларимни ўзим қийналиб, судраб олиб кетишимга тўғри келади. Катия! Илтимос, сени ёрдамингга мухтожман!

Екатерина бироз муддат ўйланиб тургач, розилик маъносида секин бош чайқади.

Елена худди ёш боладек икки қўлини баланд юқорига кўтариб:

– Ура-а!..

Москва...

Ўйин иштирокчиси бўлиб танланганлар пойтахтда тўпландилар.

Жами йигирма кишидан иборат танланганларни хусусий телевидениеда кутиб олишди. Уларни ҳар бирига махсус “бейджик-ID карта” (расм, Ф.И.О. яшаш худудининг герби, номи ва шахсини тасдиқловчи махсус штрих код мавжуд бўлган ҳужжат) ни бўйниларига тақишди. Бир нечта шартнома қоғозларига қатнашчиларнинг барчаси имзо қўйишди.

Кенг ва ёруғ, қалин устунлари саф тортган умумий хона. Атрофда телевидение ходимлари худди чумолилардек у ёндан бу ёнга тинимсиз ўз ташвишлари билан ўтмоқда. Ўйин иштирокчиларининг айримлари атрофдаги бўлаётган жараёнларга ҳайрат билан қарашади. Баъзилари ўзаро суҳбатлашарди. Баъзилари ўз ташқи кўринишларига эътибор бериб, сочлари, кийим-кечакларини тартибга келтириш билан овора...

Баланд бўйли, қаймоқ рангли костюм-шим кийган аёл уларга юзланиб шундай деди:

– Хў-ўш... Ҳамма тўпланган бўлса, диққат билан тингланг! Бу ер телевидения студияси! Ҳамма нарса – вақт билан ўлчанади! Ўн беш дақиқадан сўнг ўйин бошланади! Бу жамоавий ўйин! Исталган тўрт киши бир жамоага бирлашинг! Жамоадошингизни ўзингиз танланг! Танлашда адашманг ва ғалаба қилинг! Тезкорлик билан қарор қабул қилиш – ўйинимизнинг асосий шартларидан бири. Барчангизга омад ёр бўлсин!

Ўйин қатнашчилари бир-бирларига юзланиб, ўз жамоаси учун жамоадош қидира бошлади. Баъзилари бундан ҳайратга тушдилар. Бу уларни нигоҳларидан сезилиб турарди.

Елена ва Екатерина паст овозда ўзаро маслаҳатлашмоқда эди. Шу пайт Александр уларга яқинлашиб:

– Салом! Яхшимисизлар?! – “бейджик”ини қўлига олиб, уларга исботламоқчи бўлгандек, – Самарадан – Александр Петровман! Мени ўз жамоангизга қабул қиласизми? – дея Еленага юзланди.

Елена: “Аа-а...”

Екатерина: “...Биз аёллар жамоаси тузмоқчимиз!”

Елена Екатеринага паст овозда:

– Нега ундай дейсан?

Бу вазиятни кўрган Александр:

– Тушунарли-и! Узр! – деб ортига ўгирилиб кетаётган эди.

Елена: “Шошма, ўғлим! Кўринишингдан яхши инсонга ўхшайсан! – сўнг Екатеринага бир назар ташлаб, – биз сени-и жамоамизга қабул қиламиз!”

Шу вақт оралиғида қолганлар ҳам ўз жамоаларини шакллантириб бўлишди... Бироқ негадир Сергей, Пётр, Рамиль ва Таисиялар ёлғиз... Атрофдагиларни кузатиш билан овора...

Қизиқ, наҳотки ҳеч ким уларни ўз жамоасига олишни истамади?! Энг ажабланарлиси, улар ана энди бир-бирларига назар ташладилар.

Биринчи бўлиб кичкинтой Рамиль Сергейнинг ёнига келиб:

– Ҳой, бобо! Сизни жамоамга олмоқчиман! Хў-ўш? Нима дейсиз?!

Бу таклифдан ҳайратланган Сергей розилиги маъносида бош чайқаб:

– Ҳа, ўғлим! Розиман! – дея унга қўл узатди.

Таисия ҳам уларга аста яқинлашиб:

– Мени ҳам оласизларми?! Салом!

Рамиль кизга бошдан-оёқ назар солди ва Сергейга қараб:

– Менга унинг сочини ранги ёқди!

Сергей ҳам маъкул дегандек бошини қимирлатиб қўйди.

Рамил шундан сўнг Таисияга қараб:

– Оламиз!..

Пётр ҳам келиб қўшилди:

– Салом! Мени ҳам қабул қиласизларми? – ҳамма жим турганини кўриб, аста ортига тисарилар экан. –
Ҳа, тушунарли!

Сергей ва Рамил бир овоздан жўр бўлиб:

– Тўхта!

Хожатхонадан чопиб чиққан Дмитрий атрофга қаради: барча жамоалар шаклланиб бўлган... Довдираб, у ўзини ҳар жойга ура бошлади. Ўшанда, бир киши кам бўлган жамоани кўриб қолди ва ўша томонга югуриб борди.

Дмитрий ўз “истеъдодини” ишга солиб:

– Илтимос! Мени жамоангизга олинг! Илтимос, Хабаровскдан келганман! Поездда бир ой йўл босиб келдим. Шунчаки, қайтиб кета олмайман! Оиламга ваъда берганман. Сизларни уялтириб қўймайман. Илтимос!

Екатерина, Сергей ва Елена: “Хўш нима қиламиз? Уни жамоамизга қабул қиламизми?” – деган маънода бир-бирларига қарашди.

Ниҳоят “Биринчи кадам” ўйини бошланишига бир неча сониялар қолди. Кенг ва баланд шифтли хона (зал). Олтмишга яқин томошабин... Бир нечта операторлар студиянинг турли томонларига жойлашган...

Ўйин қатнашчилари бешта рақамланган махсус стол атрофида ўтириб, ўзаро нималарнидир маслаҳатлашмоқда. Столлар худди “Олимпиада халқалари” каби жойлаштирилган. Рамилнинг “жамоаси” биринчи столдан (Кўк халқа) жой олди. Еленанинг жамоаси тўртинчи (Сариқ халқа)...

Сочлари типратиконнинг нишларидек тикрайган бошловчи барчанинг эътиборини ўзига қаратиб:

– Диккат билан тингланг! “Биринчи кадам” ўйинимизнинг биринчи босқич, биринчи шарти! Столингиз устидан жой олган тўқсон дона бўлакчаларни бирлаштиринг ва унда ҳосил бўлган расмни таърифланг! Йиғиш учун бир дақиқа...

Таърифлаш учун беш сония берилади. – Қисқагина мусикадан сўнг, – барчага шарт тушунарлими? Диққат!

Томошабинлар тинимсиз ҳайқира бошлашди.

Бошловчи: “Бошланди-и!”

Барча жамоалар бор кучларини ишга солиб, шартни бажаришга киришишди. Иккинчи жамоадагилар шошилганидан ёки ҳаяжон сабаб бир нечта бўлакчаларни столи устидан тушириб юборишди. Томошабинлар шовқин кўтариб, ўйинга ва иштирокчиларга янада кўтаринки руҳ бағишламоқда. Берилган вақт охирламоқда...

Биринчи, учинчи ва тўртинчи жамоалар деярли шартни якунига етказишди. Уларнинг столи устида бир хил расм пайдо бўлди: кўнғир айиқ – уч боласи билан ўрмонда...

Бошловчи: “Вақт тугади!”

Жамоалар ҳаракатланишдан тўхтадилар. Оломон ҳамон ҳайқириб, олқишлашмоқда...

Бошловчи жамоаларга назар ташлаб:

– Демак биринчи, учинчи ва тўртинчи жамоалар шартимизни биринчи қисмини бажаришга улгурдилар! Офарин!

Томошабинлар қарсак чалишиб, олқишлашмоқда... Кичик ғалабани қўлга киритган жамоаларни қувончи ичига сиғмай, бир-бирларини табрикламоқда...

Бошловчи кўрсатгич бармоғини кўтариб:

– Қувонишга кўп ҳам шошилманг!

Дмитрий асабийлашиб:

– Бу лаънати биздан яна нима истаяпти?

Бошловчи икки кўлини минбар устига қўйиб:

– Дикқат! Столингиз устида махсус сенсор панель ва ручка бор! Жавобингизни ўша ерга ёзасиз! Беш сония вақт берилади! Дикқат савол : Ушбу расм кимнинг асари ва у қандай номланган? Тўлиқ таъриф беринг! Вақт кетди!

Елена ўттиз беш йил мактаб фарроши бўлиб ишлаган пайтида, ушбу расмни санъат дарси хонасида кўрганини эслади ва ручкани олиб ёза бошлади:

– Картина Шишкина – “Медведи”.

Сергей ўз уйида шу ҳақидаги музей китобини ўқиганини эслади ва жамоа сардори сифатида ёзди:

– И.И.Шишкина - “Утро в сосновом лесу”.

Афсуски, учинчи жамоа жавобни топа олмади ва табиийки ҳеч нарса ёзмади. Бошловчи ўз минбаридаги мониторда бу жараёнларни кузатиб:

– Ҳа... Демак, натижа шундай! Азиз

томошабинлар гувоҳи бўлганингиздек биринчи ва тўртинчи жамоалар тўғри жавоб беришди ва бу шартда ғалаба қилишди!!! Афсуски, қолган жамоалар кейинги шартларга ўта олишмади.

Ҳар икки жамоанинг ҳам қувончи чексиз...
Томошабинлар олқиши... Улар ўз ҳаётларида ҳеч қачон
бундай олқишга сазовор бўлишмаган эдилар.

Бошловчи: “Азиз томошабинлар, бироз
муддатдан сўнг яна ўйинга қайтамиз! Иккинчи ва
учинчи шартлар бундан-да қизиқ бўлади! Биздан
узоқлашманг! Ҳозир эса, навбат рекламага...”

Шундан сўнг студия раҳбари ассистенти (баланд
бўйли, қаймоқ рангли кастюм-шим кийган аёл) давра
марказига чиқди ва деди:

– Қирқ беш дақиқага танаффус! Операторлар
тўққизинчи хонадаги ахборот кўрсатувига! – Сўнг
ғалаба қилган икки жамоа вакилларига юзланиб, –
Ўйин қатнашчилари - сизларни дам олиш хоналарига
кузатиб қўйишади!

Кузатиб қўювчилар жамоаларни ортидан
эргаштириб борар экан, улардан бири деди:

– Ҳурматли ғолиб жамоалар! Энди, кейинги
шартларда бир-бирларингизга қарши кураш олиб
борасизлар!

Унинг гапини тинглаб кетаётган икки жамоа
вакиллари бир-бирларига “кўз уриштириб” қўйишарди:

Сергей билан Елена; Рамиль билан Дмитрий; Пётр билан Александр; Таисия билан Екатерина.

Кузатувчилардан бири Сергей ва унинг жамоасига ўттиз биринчи хона эшигини очиб берди:

– Марҳамат! Мана шу хона сизларники! Суратга олиш майдонлари кенгайтирилганлиги сабабли, дам олиш хоналаримиз бироз тор... Қорнингиз очса музлатгичда егуликлар бор!

Елена ва унинг жамоаси ҳам ана шундай хоналардан бирига кирдилар (қирқ тўртинчи хона).

Кузатиб қўювчи шахс жилмайиб:

– Мана бу ерда телефон бор. Зарурат бўлса қўнғироқ қиласизлар! Яхши дам олинглар!

Ҳар икки кузатувчи меҳмонларни хоналарига жойлаштириб, чиқиб кетишди.

Сергейнинг жамоаси жойлашган хонанинг ўнг томонида устма -уст икки қаватли кроватлар кетма-кет иккитаси жойлашган. Чап томонда ғаладонли иккита стол, кичик ҳажмдаги музлатгич... Девор марказида катта телевизор... Кириш эшиги рўпарасидаги деворда катта аквариум ва унда бир нечта балиқчалар бор эди. Девор юқорисида кондиционер... Хуллас, тор бўлса ҳам жуда шинам...

Елена ва унинг жамоаси жойлашган хона ҳам шудай жиҳозланган. Фақат ётоқлар, стол, музлатгич ва телевизор жойлашуви аксинча жойлаштирилган эди.

Елена ўз жамоасини ғалабасидан жуда ҳам бахтиёр! Хурсандчилиги ичига сиғмас эди.

Елена қувончи ичига сиғмай:

– Болалар, биз ютдик! Ҳали ҳам ишонгим келмаяпти!

Екатерина уни қучиб:

– Сиз, энг зўрисиз!

Александр: “Табриклайман! Елена, бизни бешта жамоа ичидан олиб чиқдингиз! – Кейин ортига қайрилиб, жамоанинг тўртинчи вакилига, – сиз ҳам бирор нарса десангиз-чи?!”

Дмитрий музлатгични очиб, ҳар доимгидек “баданини қиздириб олиш” учун ўзига керакли нарсани кидириш билан овора:

– Ҳа - ҳа. Жуда хурсандман. Жуда ҳам!

Қидирган нарсасини топа олмай ҳафсаласи “пир” бўлди ва музлатгич эшигини ёпди.

Сергей жамоадошларига:

– Болажонларим менинг! Биринчи ғалабани қўлга киритдик! Ўйиндан сўнг ресторанда кечки овқат мендан...

Жамоадошлар олқишлашди.

Рамиль ўнг қўли муштини Сергейнинг муштига тўқнаштириб:

– Бобожон... Зўр ўйнадингиз! – деди ва аквариум олдида келиб, балиқчаларга овқатини бера бошлади.

Бироз муддатдан сўнг жамоадагилар узоқ йўл босиб келганлиги учун бироз мизғигани ётишди...

Еленанинг жамоаси уйкуда... Фақатгина Еленанинг ўзи ухламаган эди. Ҳар доим ёнида олиб юрадиган набирасини расмига термулиб:

– Сени орзуингни амалга ошираяпман!
Болажоним!..

Сергейнинг кўзига уйку келмас эди... Ўзини “ID Карта”сини бармоқлари орасидан айлантириб, нималарнидир хаёл қиларди.

Шу пайт юқоридаги кроватда ётган Таисия деди:
– Бу ўйинда, ҳақиқий ғалабага иштиёқманд
иккита шахсни кўрдим! Биринчиси – рақиб жамоадаги
аёл. Иккинчиси – сиз...

Сергей: “Нега, ундай деб ўйладинг камалак соч
қизим?”

Таисия: “Чунки... Қолганларни фақат мукофот
пули қизиқтиради!”

Шундай деб қўл телефонига уланган
кулоқчинларини тақиб, кўзларини юмди.

Сергей бу қизни анчагина зийрак эканини
тушунди ва жилмайиб қўйди...

Ҳар икки жамоадагилар ширин уйкуда...

Ҳар икки хона телевизорни худди заводлардаги
бошқарув қурилмалари каби автоматик тарзда ишга
тушди.

Еленанинг жамоаси жойлашган хонадаги
телевизорда рақамли соат ўн тўққиз (19:00)...

Сергей ва унинг жамоаси жойлашган хонада соат ўн икки (12:00) бўлди.

“Телевизор-будильник”нинг овози хонадаги жамоанинг барча аъзоларини уйғотиб юборди. Шундан сўнг улар бирин-кетин жойларидан кўзгала бошладилар.

Елена кўзларини катта-катта очиб, ҳаммадан олдин ўрнидан тургач:

– Қани, болалар тезроқ уйғонинглар! Вақт бўлди!

Шундан сўнг эшик томон юрар экан, деворда осиглиқ турган кўзгуга қараб сочларини қўллари билан таради. Эшик тутқичини бураб очди. Енгилгина ва иссиқ шамол юзига урилди... Эшик ортидаги ёруғликка унинг кўзлари қамашиб кетди. Ўнг қўли кафтини соябон қилиб юра бошлади. Кейин бирдан ҳайратга ва даҳшатга тушди.

Елена беихтиёр: “Во-ой... Худойим!..”

Соябон бўлиб турган ўнг қўли бармоқларини лаблари устига қўйди. Ҳамон атрофга аланглаб юришда давом этарди...

Эшикни хатлаб ўтган Екатерина ҳам ҳайратдан бир муддат қотиб қолди. Иккала қўл бармоқлари билан икки юзи ва лабларини беркитди.

Шундан сўнг Александр ва Дмитрийлар югуриб чиқишди ва бир-бирларини устига йиқилди. Ана шундагина тушундики, эшик ортида оёқ босадиган ер икки қарич пастда эди. Иккиси ҳам ўзларини қум устида эканлигини кўриб, ажабланиб қолишди.

Барчалари нималар бўлаётганини англай олмай довдирди...

Атроф чексиз-чегарасиз осмон билан туташиб кетган уммон... Жамоадагилар тахминан уч-тўрт сотих (400 м²) чиқадиган қумли оролчада эдилар. Улар уйқудан уйғониб, чиқиб келган хона – қизил рангли “денгиз контейнери” (махсус буюртма асосида ясалган рефконтейнер) эканлигини кўришди...

Оппок, иссиқ қумнинг тафти ва уммон сувининг жилваси ақлни шоширади...

Сергей ҳам барчадан олдин ўрнидан туриб, телевизор олдига яқин келиб, бир муддат ўйланиб қолди...

Сергей: “Бу жуда ғалати! – деб чўнтак соат (“Павель Буре”) ини олиб қаради ва шундан сўнг, – ҳа, майли...” – дея ётоғига ўтирди.

Сигарета ва чакмоқтошини олиб чекмоқчи бўлди. Ўрнидан туриб, эшик томон юрар экан, баландроқ овозда: “Болалар! Тезроқ тура қолинглар! Вақт бўлди!”

Эшик тутқичини бураб, оҳиста очишга ҳаракат қилди. Эшик худди ортидан кимдир ёки нимадир тўскинлик қилаётгандек оғир кўзгалди. У икки қўллаб эшикни очар экан, ортидан кириб келган совуқ ҳаводан сесканиб кетди. Бошқалар ҳам тўсатдан хонадаги ҳаво ҳарорати ўзгарганини сезишди.

Сергей икки кадам юриб, нихоятда ҳайратланиб, гоҳ тиззасигача қорга ботган оёқларига... Гоҳ атрофга қараб кўзларига ишонмади. Шамол аралаш қор унинг юзига урилиб, кўз очирмас эди. Атроф оппоқ қор... Қандайдир тош устунлар қорайиб кўринади холос...

Жамоанинг бошқа аъзолари ҳам озгина қия очик қолган эшикдан ташқарига чиқишди. Таисия осмонга қараганча икки қўлини юзига босди. Пётр, хонани ташқи томони кўк рангли “контейнер” (махсус буюртма асосида ясалган рефконтейнер) эканин кўриб, ҳайратланиб қарарди.

Рамиль: “Ва-а-ау!...” – деганча атрофга югура бошлади.

Таисия: “Сергей? Нималар бўлаяпти?!”

Сергей ҳамон атрофга, узоқ-узоқларга жиддий нигоҳ ташлаганча:

– Билолмадим!..

Пётр кўзларига ишонмай контейнерни ушлаб кўргач:

– Бу нимаси? Бу яна қанақа ҳазил?

Рамиль қор кечиб, Пётрни ёнига бориб:

– Даҳшат! Зўр! – деб контейнернинг атрофида тиззасигача қорга ботиб юра бошлади.

Таисия совуқдан танаси титраб, Сергейнинг ёнига келиб:

– Бу ўйиннинг давоми? Шундайми?

Сергей: “Билолмадим!.. – Таисияга қараб, – бу “томоша” менга унчалик ҳам ёқимли туюлаётгани йўқ.”

Рамиль контейнернинг ортига етиб бурилиши билан тошдек қотиб қолди. Кўзларини катта-катта очиб, нафаси ичига тушиб, кимир этмай турарди. Рўпарасида контейнерни хидлаётган улкан оқ айиқ бошини кўтарди. Иккисининг бошлари ўртасида йигирма сантиметр масофа бор... Инсон ва ҳайвон кўзлар бир-бирига қараб турар эди... Айиқ бурун катаklarини кенгайтириб ис олиб, сапчиб, худди одамдек орқа икки оёғида тик туриб, баланд овозда ўкирди. Рамиль бор овози билан қичқириб ортига чопди.

Улкан оқ айиқнинг ўқирганини жамоадошлар ҳам эшитишди ва ўша томонга қайрилиб қарашди. Рамиль бор кучи билан тизза бўйи қорда югурар экан, оғзини катта очиб қичқиришда давом этарди...

Ҳамма эшик томон бор кучи билан югура бошлади. Сергей, Таисия ва контейнерга яқинроқ турган Пётр ҳам Рамилнинг ортидан келаётган улкан, туклари сарғиш-оқ айиқни кўришди. Улар бир лаҳза жойларида даҳшатдан қотиб қолдилар...

Сергей Таисияга бор овози билан:

– Ичкарига! Югу-ур!..

Хонага биринчи бўлиб Пётр кирди ва эшикни ичкаридан ёпди... Икки қўллаб туткични маҳкам ушлаб олди. Таисия эшикни очишга қанча уринса ҳам очилмас эди.

Сергей ҳам етиб келди ва у ҳам уриниб кўрди:

– Нима қилаяпсан аҳмоқ? Оч эшикни!..

Таисия шу пайт контейнерни ён томонининг сўнгида том қисмига чиқиладиган нарвон борлигини кўриб қолди:

– Сергей, бу томонга!.. – дея ўша томонга югурди.

Ортидан Сергей ҳам югурар экан:

– Рамиль, югур! Бўлақол!

Бу пайтда Рамиль эшик олдига етиб келди.

Ортидан лапанглаб, улкан айиқ ҳам...

Пётр кўзларида ёш билан бақирганча таввакал қилиб эшикни очди. Рамиль очилган эшик орқасига боши урилиб йиқилди... Чап қўли билан тутқични ушлаб турган Пётр айикнинг ҳайбатини кўрди. Оғзини катта очиб, бақирганча бор кучи билан темир эшикни яна ёпиб олди...

Бу вақтда Таисия контейнер томига чиқиб улгурган эди.

Сергей нарвондан кўтарилар экан, қор устида ўтириб қолган Рамилни кўрди ва деди:

– Бу ёққа югур, Рамиль!..

Рамиль бор кучи билан ўрнидан туриб у томонга чопди. Аммо бу сафар қичқирмади... Ниҳоятда кўрқиб кетганидан фақат тез-тез нафас олар... Оғзидан тинимсиз буг чиқар эди.

Айиқ улкан панжалари билан эшикни уриб ўқирди. Сўнг Рамилни исини олгач. Энди унинг ортидан чопди.

Сергей томдан туриб қўлларини пастга узатиб бақирар эди:

– Бўла қол!.. Югур!

Рамиль ниҳоят нарвонга етиб келди ва ундан тепага кўтарилди. У ўнг қўлини Сергейга узатди. Сергей уни қўлидан ушлаб бор кучи билан юқорига кўтара бошлади.

Одам исини олган оч айиқ Рамилга узун,
ханжардек тирноқли панжаси билан ташланди...

Учови том устида ётганча тез-тез ва чукур-
чукур нафас олар эди. Рамиль чап оёғидаги
“Adidas” красовкасини ён қисмини йиртилган жойига
қаради. Оёқ кийимнинг таг қисми очилиб, ундан оёғи
кўриниб турарди.

Улкан “оқ айиқ” юқорига чиқишга қанча
уринсада ҳаракатлари бефойда бўлди...

Дмитрий қуёшда ялтираган бошини қўли билан
силаб, атрофга шундай ҳайратланиб қарар эдики... Уни
кўрган ҳар қандай одамни кулгуси қистайди. Очилиб
қолган оғзини қимирлатиб, ёнидагилардан сўради:

– Бу... Бу ҳазилми?..

Александр қирғоққа яқин келиб, ҳатто оёқ
кийимини ҳам ечмасдан сув кечиб келди. Қўлига бир
ховуч сувдан олиб хўплади ва дархол пуфлаб ташлади.
Ортига ўгирилиб:

– Сув, денгиз ҳақиқий!

Елена ва Екатерина қўлларига кум олиб атрофга
қарарди. Уларнинг юзларида кўркув аралаш ҳайратдан
бошқа ифода йўқ эди.

Дмитрий ёш боладек ўзини ҳар жойга уриб югура бошлади. Александр контейнер ёнига келиб, атрофини кўздан кечиришга киришиб кетди. Унинг орқа томонига ўтиб, бир қанча ишлаб турган механизмларга кўзи тушди. Ён томонидаги нарвондан унинг устига чиқди. Қизил рангли контейнер томида ҳам ишлаб турган электр токи ишлаб чиқарувчи қурилмани кўрди. Сўнг тик туриб атрофга, узоқ-узоқларга қарай бошлади.

Атрофда фақат осмон ва бепоён уммон...

Дмитрий ҳам ҳаллослаб, томга чиқиб ҳар томонга қараганча:

– Ҳа... Лаънати... Бу яна нимаси?

Екатерина шу пайт бор овози билан:

– Телевизорда кимдир гапирмоқда! – дея Еленани кўлидан тутиб, эшикдан ичкарига кирди.

Томдагилар ҳам пастга шошилиб туша бошладилар.



Изғирин совукда кўк рангли контейнер томида жон сақлаб қолганлар айиқнинг ҳаракатини кузатиш билан овора...

Сергей: “Эшик томонга боринглар! Мен бу очкўзни чалғитиб тураман! Бориб эшикни таққиллатинглар!”

Таисия: “У аҳмоқ эшикни очмайди!”

Сергей: “Очади!.. Тинимсиз таққилатаверинглар! Бу арктика айиғи... Биз томда эканмиз, ҳафталаб кутишга унинг сабри етади. Қани, бўла қолинглар!”

Таисия ва Рамиль том устида эмаклаб, эшик томон ҳаракатлана бошлади.

Сергей ўрнидан тик туриб, “арктика полвони”ни чалғитишга киришди:

– Ҳой, маймоқвой! На мунча очкўз бўлмасанг? Нима? Одам кўрмаганмисан?

Рамиль ва Таисия бирваракайига эшикни тақиллата бошлади:

– Ҳой, оч эшикни! Бизга ёрдам бер!

– Ҳой, лаънати кўрқоқ очсанг-чи!

Сергей чўнтагидан пичоқчасини олиб, чап қўли кафтини тилиб қон чиқарди ва пастга айикнинг олдида томиза бошлади:

– Ўқир – ўкиравер! Лекин... Билиб қўй! Сенга ем бўлиш учун нафақага чиққаним йўқ!

Ниҳоят, эшик қия очилди... Пётр уларга кўз ташлади.

Таисия паст овозда:

– Бўлақол! Бизни ичкарига киргазиб юбор! – шундан сўнг Рамилни қўлидан тутиб, – Бўлақол Рамиль! Тезроқ тушақол!

Пётр эшикни очиб:

– Тезроқ... Тезроқ тушинглар!

Таисия қалтираб турган қўлларида Рамилни қўйиб юборди. Пётр уни тутиб олишга урунди ва иккиси ҳам қорга йиқилди.

Бу пайтда улкан оқ айиқ қорга томган қонни ҳидлаб, баттар ўкиришга тушди.

Таисия томдан осилиб пастга тушар экан,
Сергейга қўрқувга тўла нигоҳлари билан қаради.

Сергей бу қизнинг кўзларига ва титроқ босган
юзига термулганча:

– Бўлақол қизим! Сакра-а... – кафтидан ўз
қонини пастга томчилатар экан айиққа қараб, –
Кечирасан маймоқвой! Бизни бошқа ташвишларимиз
ҳам бор!

Шундай деб пичоқчасини чўнтагига солиб, эшик
томон югура бошлади.

Ортидан айиқ ҳам...

Сергей бир амаллаб, пастга сакраб тушиб,
ичкарига кириб эшикни маҳкам ёпди. Эшик ортидан
кучли зарба бўлди...

Одам қонини ҳидини олган ва қутуриб кетган
айиқ ташқи томондаги эшик тутқичини тишлаб узиб
олди... Бироз муддатдан сўнг айиқ яна ниманингдир
ҳидини олиб, ўша томонга қараб қор кечиб кетди.

Контейнер ичидагилар айиқнинг овози тобора
узоқлашаётганини эшитишди ва анча енгил нафас ола
бошлашди...

Қўққисдан Таисия Пётрни юзига тарсаки
туширди. Рамиль ҳам уни дўппослашга тушди.

Сергей: “Ҳой, болалар, бас қилинглар!”

Шу пайт хонадаги телевизор ўз-ўзидан ёқилди...

Жазирама иссиқ...

Оппоқ қумли оролча ўртасида турган қизил контейнер ичида Елена ва Екатерина телевизор олдида турарди. Александр ва Дмитрий ҳам ичкарига киришди.

Телевизорда ўйиндаги бошловчи жилмайганча:
– Хў-ўш? Ўйинни давом эттиришга тайёرمىсизлар? Унда, иккинчи шарт бошланди!
Ўйин мусиқаси янгради...

Кўк контейнердаги телевизорда бошловчи:

– Қатнашчилар! Сизлар истаган ютук шундоққина столингиз устида... Қутичани олинг! Уни очинг!

Қизил контейнер ичида...

Шу пайт Александр стол устида турган ёғоч
кутичани қўлига олди.

Ўйин бошловчиси:

– “Биринчи кадам!” Энг асосийси бу – ишонч!

Кўк контейнердаги телевизорда:

– Омад тилаймиз!..

Телевизор ўчди.

Рамиль кутичани ҳадиксираб, секингина очди.

Ичидан синтетик ипдан тўқилган пушти рангли филча
(юмшоқ ўйинчоқ) ва “конверт” чиқди.

Александр кутичани очиб ичига қаради.

Қолганларнинг ҳам кўзлари шу нуқтага қаратилган...

Қутичада синтетик ипдан тўқилган кулранг филча
(юмшоқ ўйинчоқ) ва (конверт) “К-2” – “Чогори”
чўққисининг сурати бор эди.

Александр филчани қорнини бармоқлари билан
босганда у тинимсиз куларди... Ўйинчоқнинг кулгу
овози барчани эсанкиратиб қўйди.

Кафтдек келадиган момиккина “филча” гўёки ўйин иштирокчиларини масхара қилиб ҳузурланаётгандек эди.

Сергей Рамилнинг қўлидан конвертни олди ва бироз термулиб қолди. Сўнг муқовасидаги “Биринчи кадам. Энг асосийси бу – ишонч!” ёзувига қаради.

Барчалари: “Энди нима қиламиз? Энди нима бўлади бизга?” деган маънода бир-бирларига қарар эди...

Рамильнинг кафтларида турган пушти рангли филча тинимсиз қулар ва шундай дерди:

– Аҳмоқлар!..

Александрнинг қўлидаги ўйинчоқ:

– Ландавурлар!..

Дмитрий кирғоқ томонга югурганча бор овози билан:

– Бўлди! Мен ўйиндан чиқдим!.. Мен бу ланати ўйиндан чиқдим! Ҳозироқ мени қўйиб юборинглар!!! –

шундай дея қўллари билан сувни “шалоплатиб” ура бошлади.

Кейин қайрилиб ёнма-ён турган икки аёл томон юрар экан:

– Хой, шум кампир!.. Уларга айт, мени кўйиб юборишсин! Мени ҳозироқ Москвага қайтаришсин! Александр эшик олдидан туриб Дмитрийга деди:

– Хой, безори!.. Қанча қичқирсанг ҳам энди Москвага эшитилмайди! Биз кимсасиз оролдамиз!

Дмитрий: “Нима-а? Орол?.. Бу орол эмас – бизнинг қабримиз!.. – контейнер ёнига келди ва оёғи билан уни тепиб, – мана бунга қара!.. Қаранглар аҳмоқлар!.. Ҳаммамизни мана шу тобутга солиб, тириклайин кўмиб кетишди!!!”

Александр ҳам асабийлашиб:

– Ҳа!.. Энди жасадимизни қузғунлар талашади! Лекин... Энди сени дод-фарёдларинг фойда бермайди! Ўзингни қўлга ол!..

Кўк контейнер ичидагилар саросимага туша бошлашди. Ҳар ким ўзига тегишли нарсаларини олишга киришиб кетишди.

Сергей: “Болалар, саросимага тушманглар! Бир дақиқа менга эътиборингизни қаратинг!..”

Жамоадагилар гўё туш кўраётгандек эдилар. Барчалари унга қараб турар экан, Сергей деди:

– Балки, бизни чув тушуришгандир! Барчамиз катта пул дардида шу балога бошимизни тикдик! Аммо ҳозир ақл билан иш тутишимиз шарт! Таисия, Рамиль егуликлар қанча ва нималар борлигини аниқланглар! Пётр эшик олдида туриб, диққат билан ташқарига кулоқ солгин!

Улар Сергей айтганидек иш тута бошлашди. Унинг ўзи эса ётоқларни синчиклаб текширишга киришди. Энг биринчи ўз ётоғини диққат билан текширар экан, ёғоч ётоқнинг ён томони ғаладон эканлигини пайқаб қолди. Тўшакни кўтариб у ерда қандайдир кичик мурувватни кўрди ва оҳиста буради. Бироз сурилиб очилган ғаладонни тортиб ичига қаради. Ётоқ бўйи катта ғаладоннинг ичида ўртача катталикдаги тиббиёт қутиси ва бир қути сигарета бор эди.

Таисия уни ёнига келиб:

– Битта колбаса, олтита олма, тўртта нон ва минераль сув... – унинг нигоҳи ғаладон ичидаги буюмларга тушиб, – булар, яна нима?

Сергей жамоадошларига бир-бир қараб:

– Улар жуда пухта режа тузишибди. Бу мени шахсий буюмларим! Уйимдаги...

Шундай дея жароҳатланган қўлини “бинд” билан боғлай бошлади. Жамоанинг қолган аъзолари ҳам ўз ғаладонларини очишга киришиб кетишди...

Рамилнинг ғаладонидан: Бир талай болалар учун турли рангда товланувчи ўйинчоқлар... Бир қути катта-кичик қўл фонариклари... Озгина майда пуллар... Газетадан ясалган бош кийими ва этикчаси чиқди.

Таисиянинг ғаладонидан: Ялтироқ қизил туфли... Аёллар пардоз-андоз буюмлари... Тиззалари йиртиқ жени шими, тикиш-бичиш анжомлари қутичаси ва бир қути сақич бор экан.

Пётрнинг ғаладонидан эса ўзининг спорт кийими (“Спортивная Федерация Биатлона Санкт-Петербург” – логотип) чиқди. Бир жуфт лыжаси, оёқ кийими билан биргаликда... “Биатлон -7-5” милтиғи ва бир қути ўқ бор эди.

Елена соҳил бўйида қум устига ўтирганча қизариб ботаётган қуёш ва улкан мавжланиб турган уммонга термулиб жилмайди. Икки кўзи тўла ёш...

Екатерина унинг ёнига келиб ўтирди ва кўзларига қараб:

– Елена қўйсангиз-чи! У аҳмоқни гапларига эътибор берманг!

Елена: “Йў-ўқ! Қизим шунчаки, ҳаяжонланганимдан кўзимга ёш келди. Қара!.. Ҳаётингда шундай гўзалликни кўрганмисан? Мен доим шундай соҳилни орзу қилар эдим!”

Иккиси бир-бирига жилмайди.

Екатерина унинг елкасидан қучиб, далда бериб:

– “Менсиз бу орзуингиз амалга ошмас эди!”

Дмитрий хона ичидаги кичик музлатгични очиб, ичидаги егуликларни ва минерал сувларни олди. Уларни ётоғидаги тўшаги орасига беркита бошлади.

Александр бу вазиятни кўриб:

– Ҳаммани насибасини ўғирлаяпсанми?

Дмитрий кўзлари чақчайиб:

– Нима?.. Ажалимни кутиб ўтирайми? Менга қара! Булар иккаламизга эртагача бемалол етади!

– Биз – тўрт кишимиз!

– Қўйсанг- чи ўша шаллақиларни!

Александр уни ёқасидан олиб полга йикитди ва деди:

– Менга қара, аблаҳ! Мана шу икки аёл сенга раҳми келиб, жамоага қабул қилди!

– Ҳой, ўзингни бос!.. Майли-майли-и!

Александр ғазабланиб унинг устидан турди.

Дмитрий кровать тўшаги остидаги мурувватни кўриб қолди ва чап кўли билан уни буради. Ғаладон бироз олдинга сурилиб очилди. Не кўз билан кўрсинки ичи спиртли ичимликларга тўла эди...

Дмитрий кўзлари қувончдан чакнаб, бақириб юборди:

– Ўху-у-у! Мана, қаерда эканса-ан! – сўнг Александрга қараб, – бу мени шахсий нарсаларим! – тезда ўғирлаган нарсаларини Александрга бериб, – ол, ҳаммаси сенларга!..

Шундай деб бир шишани олиб, ғаладонни ёпиб, мурувватини бураб қўйди. Шиша қопқоғини оча бошлар экан, ўрнидан туриб ташқарига чиқиб кетди.

Александр ҳам юқори қаватдаги ётоғидан ўз ғаладонини суғуриб олди ва дарҳол ичига қаради. У ерда фақат битта буюм бор эди: Ҳарбий аскар пичоғи... Қини билан...

Шундан сўнг Елена ва Екатеринани чақирди ва уларнинг ҳам ғаладонларини очишди.

Екатеринанинг ғаладонидан ўзининг бир нечта эски кийим- кечаклари ва ўт ўриш қурулмаси (Триммер - “CHAMPION” T333) чиқди.

Елена ўз ғаладонини очди. У ерда дори-дармон кутчаси ва битта кичик ўлчамдаги оқ қоғоз кўзга ташланди. Елена ўнг кўли билан уни олиб, орқасини

ўтириб қаради. Суратда у набиралари даврасида... Унга қараб, лаблари титраб, беихтиёр кўзига ёш келди. Екатерина уни юпатишга уринар эди.

Тун...

Александр, Елена ва Екатерина кумлоқ устида гулхан атрофида ўтириб, ғаладон бўлакларини олов устига ташлайди.

Қирғоқнинг бошқа бир четида ўтириб олган Дмитрий кайфи ошиб гапирди:

– Чермушки, Коньково, Ясеневога борамиз...

Александр гулхан оловига термулиб:

– “Текин пишлоқ фақат қопқонда бўлади!” Онам шундай дер эди! “Пуллурымни оламан-у, бошим оққан томонга кетаман” – деб ўйлаган эдим!

Учаласи бир-бирларига қараб, мийиғида кулиб кўйдилар...

Александр: “Бизни шунчаки улоқтиришмади!”

Екатерина: “Жазолашди!..”

Елена: “Очкўзлик қилганимиз учун!..”

Александр гулханга қараб:

– Қандай қилиб бўлса ҳам уйимизга етиб оламиз!

Биз ҳали ҳам бир жамоамиз! – Еленага юзланиб, –
Уларга ҳали кўрсатиб қўямиз!

Сергей ва унинг жамоасидагилар жуда қизгин ишларни бошлаб юборишди. Таисия қалин тўшак ёпинчиқларидан кийимлар тика бошлади. Пётр спорт анжомларини созлашга тушди. Рамиль қўл фонарикларини созлигини текшириб чикди ва ғаладондан чиққан эски этикчасини кийди. Чойшаблардан қўлбола шарф ва пойтавалар тайёрлашди.

Кўк контейнер эшиги очилиб ташқарига чиқишди. Қор тинган... Бироқ совуқ шамол ҳали тинган эмас... Осмонда булутлар орасидан куюш базўр кўринади. Атрофда ғалати, баланд бўйли тош устунлар... Уларнинг ҳайбати ҳар қандай одамни чўчитади. Бундай манзарани кўрган Сергей ва унинг жамоаси ўзларини худди ўзга сайёрага тушиб қолгандек ҳис қилишар эди.

Қор орасидан тош аралаш тупрокни қўлларига олиб, синчиклаб текшираётган Сергей ўтирган жойидан турди. Таисия ва Рамиль улкан ва ғалати тош устунларни томоша қилиш билан овора...

Қўлига спорт милтигини олиб юрган Пётр Сергейга:

– Биз қаердамиз?!

– Билмадим! Аммо шимолда эканлигимиз аниқ.

Шу пайт Рамиль ҳам уларга яқин келиб:

– Антарктидамизми?
Сергей енгил хўрсиниб:
– Йўк, ўғлим! Антарктидада оқ айиқлар
бўлмайди. – деди учаласига бир-бир қараб, – ундан ҳам
баттар... Биз – Арктикадамиз!

Соҳил бўйи...

Эрта тонгда енгил шаббада... Қирғоққа дамба-дам
сув келиб урилади.

Дмитрий қумга беланиб ухлаб ётибди. Қўллари
устида нимадир ўрмалай бошлади. У кўзини очмасдан:

– Ҳой, бас қил! Тинч қўйинглар мени! – бироқ
ҳаракат давом этавергач – сенга нима дедим? – деб
кўзларини базўр очди. Кейин бирдан кўзлари каттариб,
танаси қимирламай қолди. Шундоққина бурнининг
олдида енгил автомобиль рулидек келадиган қизиш-
жигарранг “махлуқ”ни кўрди. Иккита кўзи, оғзи ва
иккита қўлида иккитадан бармоғи бор бу “махлуқот”
(Гавайи қисқичбақаси) чаққонлик билан ўнг қўлини
узатиб Дмитрийнинг бурнини каттиқ қисиб олди...

Ухлаб ётганларнинг барчаси бу овоздан чўчиб
уйғониб кетишди ва контейнер ичидан югуриб

чиқишди. Дмитрий элликка яқин ана шундай “махлуқ”лар орасидан қочиб келди.

Қон бўлиб кетган қўллари билан бурнини ушлаб олган Дмитрий:

– Бу махлуқлар бизни ўлдиришмоқчи!..

Александр бироз муддатдан сўнг гулханда пишиб тайёр бўлган ана шундай “махлуқ” ни олиб қолганларга узатди. Аммо ҳеч ким буни тановвул қилишни истамасди. Улар фақат контейнерда қолган сўнги бир дона нон ва пишлоқни нонуштага тановвул қилдилар.

Александр тоғ чўққиси расми туширилган конвертни контейнерга пичоғи билан санчиб, аламли нигоҳда унга қараб турар эди.

Екатерина уни ёнига келиб:

– Аламингни шундан олаяпсанми?

Александр икки кафтини бошига қўйиб:

– Бу ерда бир гап бор! Филни миниб “Эверест”га чиксак пулларимизни беришадими?..

Екатерина: “Сенингча?..” – гапини тугатмасидан.

Александр: “... Ҳа! Биз ҳали ҳам ўйиндамиз!

Кўнглим сезаяпти!”

Елена ҳам келиб қўшилди:

– Унда, бу йўл кўрсатадиган маёқ. Ҳар қандай мусобақанинг старт чизиғи ва албатта финиши бўлади.

Екатерина қўлидаги кулранг филча (юмшоқ ўйинчоқ) га қараб:

– Ҳа! Бу – манзил! Биз боришимиз керак бўлган манзил!

Бу суҳбатни тинглаб турган Дмитрий:

– Ростданми? Ҳозир турган жойимиз қаерда эканини билмаймиз-у... Аҳмоқлар...

Екатерина енгил шамолда “учаётган” сочларини йиғиб:

– Бу қандайдир тоғнинг чўққиси. Бу расм менга танишдек... Балки, бу “К-2” номли чўққидир! Қайсидир газетада ўқиган эдим! Унга ҳеч ким чиқа олмаган экан.

Александр Екатеринани қўлида турган юмшоқ ўйинчоққа бармоғи билан ишора қилиб:

– Фил, бу – Ҳиндистон. “Эверест” ҳам “К-2” ҳам Ҳиндистонга яқин.

Екатерина қўлидаги юмшоқ ўйинчоқни қимирлатиб:

– Филлар – Африкада ҳам бор!

Елена аста-секин юриб контейнерга яқинлашди. У конвертни чап қўлига ва филчани ўнг қўлига олиб шундай деди:

– Мактабда фаррош бўлиб ишлаб юрган чоғларим, бунга қўп бора қўзим тушар эди. География хонаси энг катта ва тўзгиган хоналардан бири эди. Бу –

чўкки. Бу эса – фил. Мен шундай номланган бир жойни биламан! “Скала Слоник”.

Екатерина: “У қаерда?”

Елена: “Байгал далай!”

Александр: “Байкал кўли...”

Дмитрий кўлидаги ароқ шишасидаги ёрликқа қаради ва ундаги ёзувни овоз чиқармай ўкиди:
“Байкал...”

Шундан сўнг Дмитрий кўзлари чакчайиб, жамоадошларига қаради.

Пётр ва Сергей контейнер томига чиқиб, ёқилғи идишида қанча бензин қолганини текширишди. Бир қанча таъмирлаш асбоблари солинган темир қутини топиб олишди ва ўзлари билан олиб тушишди.

Барчалари ичкарида...

Таисия яна ёпинчиқлардан кийимлар тикиш билан овора. Қолганлар хонанинг девор қатламларини бузиб олишди... Рефконтейнер деворларида ишлатилган махсус материаллардан бир кишилик чаналар ясай бошлашди.

Сергей бу ажойиб чаналарни қорда судрашга қулай ва ҳатто сувда сузишга мослаштириб ясади. Ҳар

бир чана учун эшгакчалар ва бирор хавф туғилгудек бўлса ёки қор остини текшириб бориш учун узун найзалар ясашиди.

Тўртта шундай чаналар тайёр ҳолатга келди... Таисия ҳам барча учун “пальто”га ўхшаш кийим, бош кийим, қўлқоплар ва ҳатто пайпоқлар тикиб тарқатди. Йигитлар бу ғаройиб янги кийим-кечакларини кийиб кўришди. Уларга маъкул келди... Бироздан сўнг барчалари егулик учун қолган нон ва олмани бўлишиб тановвул қила бошладилар.

Сергей: “Жануби-ғарб томонга бир гала оқ-қора рангли ўрдаклар пастлаб учиб ўтди. Демак, қирғоққа яқин жойдамиз! Сувдан сузиб ўтишимиз мумкин бўладиган вазиятга ҳам дуч келишимиз мумкин! – деди қўли билан чаналарга ишора қилиб. – Ҳар қандай қийинчиликка тайёр бўлишимиз шарт! – деди чўнтак соатига қараб қўйгач. – Ўн олти соатдан буён қуёш ботгани йўқ! Бу, кутб куни. Имкон қадар жанубга юрамиз!”

Рамиль: “Нега бизни шу ерга ташлаб кетишди?”

Сергей: “Бу иккинчи шарт... Сабр-тоқатимизни, кучимизни ва ақлимизни синовдан ўтказишмоқда. – қўлидаги чакмоқтошдаги “Ленинград” ёзувига қараб, – эсингизда бўлсин! Ҳаётимиз – қил устида! Бизга, ўзимиздан бошқа ҳеч ким ёрдам бера олмайди. Ухлаб олинглар!”

Қизил контейнернинг ҳаво назорат қилувчи
қурилмаси деталларини бирин-кетин ечиб олаётган
Александрни кўрган Дмитрий:

– Хў-ўш, “омад фаришта”си нималар билан
бандсиз?

Александр терлаб кетган пешонасини қўлларига
артиб:

– Чанқагандирсан?

Дмитрий иккиланмай:

– Албатта!

Александр унинг қўлига деталларни тутқазиб:

– Унда ёрдамлаш...

Иккови конденсацион тизим ва яна бир қанча
деталлардан фойдаланиб, олов ва денгиз суви ёрдамида
ичимлик суви олишга киришди. Тоза ичимлик
сувининг илк томчилари пластик идишга оқиб туша
бошлади. Барчалари қувончдан бақириб юборишди.
Тўйиб сув ичишди... Улар ҳатто Дмитрий бўшатган
спиртли ичимлик шишаларига ҳам сув тўлдиришди.

Барчасининг кўнглида умид учқунлари пайдо
бўлди...

Бундан илҳомланган жамоа қизил контейнернинг ташқи ва ички деворларини... Улар орасидаги синч қатлам материалларини ҳам кўчириб ола бошлади.т

Совуқ ва қорли ўлкадаги жамоа йўлга чиқди...

Йўл бошловчи Сергей... Ортидан Таисия, Рамиль ва энг охирида Пётр... Барчалари қалин кийинган... Ўзларига керакли юклар ортилган чаналарини тортиб кетишмоқда. Жон сақлаган ва анча қадрдон бўлиб қолган кўк контейнердан узоқлашар экан, барчасининг кўнглида хавотир, аммо қадамлари шахдам...

Улкан тош устунлар (Северная Земля. Остров Комсомолец. Скалы-останцы в районе залива Журавлева) оралаб, оппоқ қорли текисликлар узра узоқ йўл юришди... Ҳар соатда ўн дақиқа ўтириб дам олишар... Сўнг чаналарини судраб, йўлда давом этишарди.

Узоқдан соҳил ва денгиз кўринди. Сергейнинг юзида табассум пайдо бўлди.

У бир гала қора рангли ҳаракатланаётган нуқтачаларни кўриб ўзига-ўзи деди:

– Ўрдақлар!

Улар жуда яқин келиб қолишди...

Бошидан кўкрак қисмигача оқ, қанот ва дум қисмлари қора рангли ўрдаклар (Гаги - утка) бирин-кетин ҳавога кўтарила бошлади. Сергей Пётрга: “Ўрдак гўшти жон сақлаш учун яхши имконият” деган маънода ишора қилди. Буни дарҳол тушунган мерган йигит “Биатлон -7-5”да мўлжалга олди ва беш марта ўқ узди. Чаққонлик билан ўқлаб, яна беш марта...



Жамоадагиларни омади келди... Йигитлар иккита ўрдакни тезда патларини юлиб, ейишга яроқли жойларини ажрата бошлашди. Таисия бундай вазиятга илк бор дуч келгани учун ҳайратдан қотиб қолди.

Гулханда пишиб, тайёр бўлган “таомлар” бирини олиб барчаси бўлишишди.

Сергей Таисияни қўлига гўшт бўлагини тутқазиб:

– Биламан, тушуниб турибман... Аммо, ейишинг керак!

Таисия гўшт бўлагини ейишни бошлар экан,
ўрдакларни ҳар жойга сочилган патларига қаради...
Гўшт бўлагини ушлаб турган қўли ва лаблари титраб,
кўзларидан дурдек ёш оқиб – йиғлашга тушди...

Иссиқ ва дим ҳавода терлаб кетган “орол туткунлари” нажод “кема”сини яратиш билан банд...

Қизил рангли бошпананинг фақат устунлари ва баъзи деталлари қолган холос. Рефконтейнернинг алюминий синч ва листларидан фойдаланиб, бир жуфт “каноз”га ўхшаш қайиқларни тайёрлашмоқда.

Қуёш океан ортига ботиш арафасида... Булутли осмон ва уммон қизил рангда. Бундай манзарани кўриш ҳаммага ҳам насиб этавермайди...

Рефрежаторнинг электор ўтказувчи симларидан тайёрланган қармоқларнинг иккитасига балиқ илинган... Белларигача сув кечиб Александр ва Дмитрий уларни олиб чиқа бошлади.

Кечги овқат вақти...

Оловда пишган балиқлар билан “Балтика 7” жамоанинг барча аъзолари қўлида... Улар анча тетик ва

кувноқ кайфиятда. Куни билан тер тўкиб ясаган қайиқ олов шуъласида кўриниб турарди.

Екатерина Александрга балиқ бўлаги узатиб:

– Бундай қайиқ яшашни қаердан ўргангансан?

Александр тансиқ таомни кўлига олиб:

– Укам Санкт-Петербургда елканли спорт билан шуғулланади. Бир куни, мени у ерга таклиф килди. “Артмарин-26” номли катамаранида мени денгизга олиб чикди! Укам билан ўтган бундай завқли кунларимни ҳеч қачон унутмайман!

Дмитрий: “Жойи жаннатда бўлсин укангни!”

Елена: “Ҳой? Бу нима деганинг?”

Дмитрий: “Ҳа – нима? Укасини йўқотгани учун далда бераяпман!”

Александр: “Укам тирик! Оилали... Бир ўғли ва қизи бор...”

Дмитрий: “Оила қурмай тўғри қиласан! Мана, мен... Хотиним билан ажрашдим ва дий-диёларидан кутулдим!”

Елена ва Екатерина бир овоздан:

– Ҳо-о-ой!..

Дмитрий: “Ҳа, нима?!”

Елена: “Бас қилсанг-чи!”

Дмитрий: “Э-э-эх, аёллар! Тоқат қилиб бўлмайди!” – дея ўрнидан туриб кетди.

Александр аёлларга юзланиб: “Эртага йўлга чиқамиз!”

Ярим тунда кайфи ошган Дмитрий эмаклаб юриб, ухлаб ётган Екатеринанинг ёнига яқинлаша бошлади. Қўққисдан нимадир Дмитриининг бўйнига тегди... Александрнинг пичоғи Еленани қўлида... Ранги оқариб, кайфи тарқаб кетган Дмитрий қандай келган бўлса, шундай ортига қайтди.

Қорли соҳилдан анча узоқда, бир-бирига арқон (кровать ёпинчиқларидан тайёрланган) билан боғланган бир кишилиқ тўртта кичик қайиқчалар Арктиканинг совуқ сувларида сузмокда...

Кичик бўйли эшкак билан сузаётган Сергей атрофга эътибор билан назар ташлаганча:

– Эй, Худойим! Умидимиз сендан! – кейин у бошини ортга қайириб, – болалар ухлаб қолманглар!

Бу овозни эшитган Таисия чўчиб кўзини очди ва атрофга қаради. Эшкак эшишда давом этди.

Бир пайт, шундоққина унинг “чана-қайиқча”си ёнида оппоқ кит (Белуха) боласи сув юзасига қалқиб чиқди ва ҳаво пуфлади. Таисия ҳайратдан ва қўрқувдан қимир этмай турарди...


Энг ортдаги қайиқчада сузиб келаётган Пётр дарҳол милтиғи билан кит боласини мўлжалга олди. Оппоқ кит тобора Таисияга яқин келиб, бошини чайқади.

Шу қадар ғаройиб жонивор...

Унинг кўзларига мафтун бўлган Таисия қўлини узатиб, унинг дўнг пешонасига кафтини қўйди. Пётр ўшанда бу хавфсиз жонивор эканини тушунди ва милтиғини мўлжаллаб турган жойидан олди.

Барчанинг кўзи кит боласида...

Бироз наридан китнинг улкан ҳажмдаги онаси пайдо бўлди ва ҳаво пуфлаб, боласини ортидан эргаштирди. Бундай манзарани гувоҳи бўлганларнинг қалбларида ғалати ва ниҳоятда ажойиб туйғуни ҳис этишди...



Сувда енгилгина қалқиб турган қайиқчадаги
Таисиянинг юзида ва кўзларида қувонч пайдо бўлди...

Фақатгина “суяги”нинг устухони қолган қизил
контейнер...

Хатто контейнер дейишга ҳам тил бормади!
Бироқ, “Артмарин-26”га ўхшаган “нажод кемаси”
тайёр ҳолда эди. Екатеринбургнинг ўт ўриш курилмаси –
қайиқ двигатели ва паррагига айланган. Қайиқда
махсус елкан учун мачта ҳам бор.

Улар энг керакли юкларини шай ҳолатга
келтиришди. Ниҳоят катамаранни тўрт шаввоз судраб,
сувга туширишди. Ичига сув кирмаётганлигига ишонч
ҳосил қилгач юкларини орта бошлашди.

Барчасининг кўзларида умид қувончи кўринади...

Дмитрий қирқтадан ортиқ шиша идишларда ароқ,
коньяк ва пиволарни кўтариб келиб, қайиққа орта
бошлади. Унинг бу хатти-ҳаракатидан ҳайрон бўлиб
қараб турганларга:

– Нима? Бу мени шахсий буюмларим!

Ниҳоят паррақлар айланиб, елкан кўтарилди.
Контейнердан ясалган қайиқ суза бошлади. Барчалари
хурсанд бўлганидан тинимсиз бақиришарди:

- Ху-у-у...
- Қойииил!
- А-а-а...
- Худойим!..

Жамоадагилар бир-бирларини қучоқлаб табриклашди. Кутилмаганда, Александр ва Екатерина ҳам беҳосдан ўзлари билмаган ҳолда бир-бирларини қучоқлаб олишди ва кейин уялишиб бир-бирларини қўйиб юборишди...

Катамаран уммонда қалқиб, оролча (Гавайи архипелаги) дан тобора тезроқ узоқлашиб бормоқда...

Қуёши ботмайдиган ўлкада тўртта қайиқча яна чаналарга айланди.

Пётр улкан муз қатлами устида тўртта чанани, ичида одамлари билан арқонда тортиб кетмоқда. Оёқларида югуриш чанғиси, устида спорт кийими, елкасида спорт милтиғи...

Пётр учун старт чизиғи – ўйинга қатнашган куни бўлди. Финиш – яшаб қолиш истағи... Соврин эса – ҳаёт бўлди!

Уч соат шу ҳолатда йўл босиб ўтишди. Яна уммон бошланди... Чаналар қайиқчаларга айланди. Узо-о-оқ вақт сузишди.

Рамиль Пётрни уйғотди:

– Ҳой, қара, ер!

Ўтирган жойида ухлаб қолган Пётр уйғониб, оролга кўзи тушди.

Тақир ер... Баъзи жойлари қор билан қопланган. Сергей бир кўли билан қўлбола найзага таяниб, иккинчи кўли билан юк солинган чанасини тортиб борар эди.

Қордан тўплар ясаб, ҳар томонга улоқтириб, чанасини судраб келаётган Рамиль кичкириб:

– Анавини қаранглар!

Ҳамма ўша томонга қаради. Узоқдан қандайдир учта устун кўриниб турар эди. Йўналишни ўзгартириб ўша томонга тез-тез юра бошладилар. Тобора яқинлашар экан, уч устуннинг ранглари турлича эканлиги равшанлашди. Бири худди оқ айиқникидек оқ-сарғиш... Иккинчисиники жигарранг ва учинчиси тўқ қизил рангда эди.

Улар кўзлаган манзилга етиб келишди. Уч устун ҳам ёдгорлик тошлари эди. Рамиль ва Таисия атрофи занжир билан ўралган ўртадаги ёдгорлик олдида турар эди.

Пётр мармардан таёрланган ёдгорликдаги
ёзувларни ўқий бошлади:

– “Памятник плита установлена в честь
Российского геолого-исследователя Н.Н. Урванцева”.

Сергей энг сўнгиди турган ёдгорликга яқин
келиб, ундаги ёзувларни ўқиди:

– “Полярный исследователь ГЕОРГИЙ
АЛЕКСЕЕВИЧ УШАКОВ 1901–1963”.

Ёзувлар устидаги қорларни сидириб ташлар
экан, паст овозда деди:

– Раҳмат сизга – Ушаков! – шундан сўнг
жамоадошларига қараб, – Болалар, яхши хабар! Биз
“Шимолий Ер” (Северная Земля – архипелаг)
оролларидамиз!

Рамиль:

– Нима?

Пётр:

– Ахир, бу?..

Сергей атрофга назар ташлаб:

– Биз Таймирдамиз! Красноярск ўлкаси!

Барчалари қувончдан қичқириб юборишди...


Кровать чойшабларидан тайёрланган елкан,
катамаранни океан сатҳи узра елдек учуриб бормоқда...

Миллиард долларлик яхтани эгасидек Дмитрий
куёшда тобланиб, коньяк ичиб ётибди. Бошқа томонда
икки аёл ўтириб балиқ (Omlu Bluefin Trevally) ни
тозалаш билан банд.

Александр катта бир идишга денгиз сувини
қуйгач, ўртасига кичикроқ бошқа бир бўш идишни
қўйди. Сўнг барчасини устидан полиэтилен целлофан
тортди. Устига кичик темир бўлаги ташлаб қўйди. Бу
ичимлик суви олишнинг ажойиб усули эди...

Дмитрий дам олиб ётган жой – қайиқнинг ўнг
томонидан, шундоққина унинг ёнидан улкан кит
(Горбатый кит) белигача сув остидан отилиб чиқди.
Ёнидан яна биттаси... Дмитрий қандай қилиб ўрнидан
туриб қочганини ўзи ҳам билмай қолди:

– Вой, лаънати!..



Катамараннинг чап томонидан ҳам яна биттаси оғзини очиб ўқдай учиб чиқди. Сергей ва Екатерина зудлик билан елканни туширишди. Улар бундай улкан жонзодларни кўриб, ниҳоятда қаттиқ хайратланишди. Китлар хайбатли думларини кўз-кўз қилиб олдинлаб кета бошлади. Қайикдагилар бу томошани кўриб, ёш болалардек жуда хурсанд бўлиб кулишга тушишди.

Қоронғу тушган... Осмондаги юлдузлар аниқ-тиниқ кўриниб турибди. Бундай табиат мўъжизасини кўриш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди...

Акумуляторга уланган чироклар нури остида ўтирган тўрт “денгизчи” ўзаро суҳбатлашиб ўтиришибди. Александр “Московский” коньягининг

идишини “палуба” устига қўйиб айлантирди. Шиша идишнинг оғзи Екатерина томонга қараб тўхтади.

Александр: “Сени навбатинг!”

Екатерина уялиб:

– Хў-ўш... Нима десам экан?! Болалар уйида катта бўлганман. Имкон қадар улғайиб, у ердан тезроқ кетишни истардим! У ерни тарк этганимдан кейин орзуларим пуч ёнғоқ эканини тушундим! Ҳаётим янада ёмонлашди... – кўзларига ёш келиб, – Бироқ, адолатсиз, ноинсоф одамлар орасида яшасам ҳам доим ҳалол ва тўғри яшашга интилдим! Бир кун келиб... – кўзларидаги ёшни қўллари билан артар экан, – ... “Худойим менга раҳм қилар” деган фикр миямда тинмай айланаверар эди. “Гўзал ва бахтли яшаш – чўнтагингда қанча пулинг борлигига боғлиқ” деб ўйлар эдим!

“Катамаран” устида сукунат...

Екатерина Еленага қараб жилмайганча:

– Ўн тўрт кундан бери ҳеч қандай пулларсиз яшамокдамиз! Аммо шахсан мен ҳаётимдан мамнунман! Илк бор инсон эканлигимни ҳис қилдим!..

Шу пайт қайикқа боғланган қармоқ сими таранг тортилиб, ҳар томонга ҳаракатлана бошлади. Барчалари бундан чўчиб тушишди. Дмитрий ва Александр қармоқ симини ўзларига тортди. Бироқ қармоққа илинган балиқ уларга куч бермас эди.

Дмитрий: “Вой, аблаҳ-эй. Намунча тихирлик қиласан?”

Улар бир амаллаб торта бошлашди. Шу пайт балиқни ўзи сувдан отилиб чиқиб уларни ёнгинасига тушди. Қайиқнинг устига ўзи “учиб чикди”. Бунақасини – улар тушларида ҳам кўришмаган эди. Узун, ингичка тумшукли “Игна балиқ” (Aha Needlefish).

“Чана-қайиқ”чалар яна бир оролча (Самойловича ороли) нинг қирғоқларига келиб тўхтади...

У ерда кимлардир қолдириб кетган тўрт тонналик цилиндр идиш ва икки юз литрлик ёқилғи идишлари ҳар жойда сочилиб ётар эди.

Пётр қандайдир сув ўтказмас мато билан ёпилган нарса олдида турар экан:

– Бу томонга келинглар!

Барчалари ўша томонга боришди. Матони очиб қарадилар. Қувончдан барчасининг юзларида табассум пайдо бўлди.

Рамиль қайиқнинг ён қисмидаги ёзувларга бармоқлари билан тегиб ўқий бошлади:

– “Волжанка” (моторли қайиқ – “Волжанка – 53 Фиш”).

Сергей қайиқ мотори (YAMAHA – F100) устига қўлини қўйиб деди:

– Экспедициячилар ёки балиқчиларники... – ёнидагиларга қараб, – аввал, овқатланиб оламиз!

Ўзлари билан олиб юрган ёғоч бўлақларидан гулхан ёқишди. Исиниб, оловда балиқ пиширишди.

Таисия оловда қизариб пишган балиқ бўлагини қўлига олиб:

– Агар уйга қайтсам, дўкондан биринчи навбатда бир қоп туз харид қиламан!

Барчалари енгилгина кулишди...

Рамиль қўл бармоқларини оловга тутиб:

– Сарфлайдиган пулингни менга бериб қўяқол! Чунки, уйга қайтганимда дўкон очаман!

Таисия чўнтагидан майда пулларни олиб унга берди:

– Мана! Менга туз бериб юборсангиз!

Рамиль пулларни санаб кўргач:

– Бу жуда кам-ку? Бир қоп туз бунчалик арзон эмас!

Гулхан атрофидагилар самимий кулгу-табассум қилишиб, чарчоқларини унутишар эди.

Ўзлари билан олиб келган бензиндан “YAMAHA – F100” нинг ёқилғи идишига қуйдилар. Ўт олдириб

кўришди... Юкларини, бир дона “чана-қайиқ”ни катта қайиққа юкладилар ва ўзлари ҳам жойлашиб суза бошлашди.

Мотор овози ва уларнинг ҳайқириғи узоқ-узоқларга эшитилди...

Тўрт тонналик цилиндр идишларнинг бирига тош билан қириб, ёзиб кетишга ҳам улгурган эдилар: “Қайиғингизни ҳақини албатта қайтарамиз!!!”

Яна бир кун бошланган... Тушлик вақти...

Дмитрий ширакайф бўлиб ётибди. Қўлида игна балиқнинг игнаси. Худди машҳур дережёрлардек ҳавода қўлини ўйнатиб, ҳуштак чалади (Чайковский – “Танец маленьких лебедей”).

Александр баъзи юкларни арқон билан боғлай бошлади ва Дмитрийга деди:

– Ҳой, “Чайковский”? Об-ҳаво ёмонлашмоқда! Тайёрланамиз!

Осмон қорайиб, шаррос ёмғир ёға бошлади. Океан суви тўлқинланиб қайиқни чайқатади... Бу вазият кечга бориб кучайиб кетди. Гуруҳ иккига бўлиниб, катамараннинг икки “каюта”сига киришга қарор қилишди.

Александр шамол ва ёмғирда базўр кўзини очиб,
бор овози билан:

– Бир эркак ва бир аёл бўлиб бўлинишга
мажбурмиз! Агар-да қайиқ иккига бўлиниб кетса, бир-
биримизга ёрдам бера олишимиз учун...

Ҳамма рози бўлди... Фақат Дмитрий норози эди.
Дмитрий: “Йў-ўқ... Йўқ!”

Александр ва Екатерина чап бўлмага... Дмитрий
ва Елена ўнг бўлмага кирдилар. Эшикларини бир
амаллаб танбаллашди.

Тиқилиб қолган Дмитрий:

– Онажон, озисангиз бўларкан!

Елена: “Наҳотки-и?!”

Екатерина: “Мени қучоқлашингиз шарт эмас!”

Александр: “Синч (каркас) ларга бошингни
урмаслигинг учун ҳимоя қилаяпман...”

Екатерина: “...Шарт эмас!”

Александр: “Майли, ўзинг биласан!”

Қутурган тўлқинлар қайиқни тинимсиз
савалайди... Екатерина бошини қайиқ деворига урди.

Александр: “Қулоқсиз қиз! Сенга нима деган
эдим?”

Йигирма метр квадрат келадиган муз олдида катта қайиқ (“Волжанка – 53 Фиш”) боғланган ҳолатда... Йўловчилар муз устида худди ресторанда ўтиргандек қордан стол-стул ясаб ўтириб олишган... Рамиль шеф ошпазлардек олов устига бензин сепиб, балиқ пиширмоқда.

Таисия Рамилга: “Шеф, бизнинг буюртмамиз тайёрми?”

Барчалари балиқ-кабоб истеъмол қила бошлашди.

Пётр: “Аслида, ўқитувчи бўлишимни ота-онам ишташган! Инсон ўз келажак йўлини ўзи танлаши керак экан...”

Таисия: “Ким бўлишни истаган эдинг? Космонавт-ми?”

Пётр: “Йўқ! Ундан ҳам баттар! Созанда – скрипкачи.”

Сергей: “Тақдирингни ўзгартиришга қарор қилдинг. Ўйинга қатнашган кунинг биринчи қадам ташлагансан...”

Шу пайт қандайдир ҳайвон баланд овозда ўқирди. Барчалари сапчиб туриб, ўша томонга қарашди. Узун иккита сўйлоқ тишли шимол моржи муз устига чиқиб, шиддат билан улар томонга йўл олди. Тўс-тўполон бўлиб, жамоа тезда қайиққа ўтириб,

жуфтакни ростлади... Бу урушқоқ жониворни
кўрганлар ҳам ҳайратланишди ҳам унинг хатти-
ҳаракатидан мириқиб кулишди.

Таисия бу ғаройиб “сўйлоқ тиш”га қараб:

– Надия холамга ўхшаб, ҳаммани қувиб солди-я?!



Рамиль жониворга қараб:

– Аҳмоқ, сўйлоқ тиш!!! Ҳожатга чиқишга ҳам
улгурмадим...

Сув сатҳида сузиб кетаётган қайиқдагилар бу
томошадан мириқиб кулишди.

Катамараннинг ўнг бўлмаси эшиги очилиб, Дмитрий кал бошини чиқариб атрофга аланглади. Чап бўлмадагилар шовқиндан уйғонишди. Барчалари бирин-кетин юқорига чиқа бошлади.

Баъзи юклар жойида йўқ... Синган, қийшайган қайиқ деталлари ҳар жойда сочилиб ётибди. Елкан ва унинг устунни кўринмайди... Екатеринанинг ўт ўриш қурилмаси ҳам ўз ўрнида йўқ. Барчасининг кайфияти тушиб кетди.

Дмитрий тинмай бақиради:

– Лаънати! Лаънати-и...

Екатерина Еленанинг қўлларини ушлаб кўрди:

– Соғлигингиз яхшими?

Елена чап қўл тирсагини силаб:

– Ҳа, қизим яхшиман! Қўлим бироз оғриди.

Екатерина унинг ўнг оёғи тиззасига қараб:

– Бироз яраланибсиз! Ҳозир дори сураман!

Шундай дея қутидан дори олиб, ярани боғлади.

Александр аёллар ёнига келиб:

– Ҳаммаси яхшими?

Елена майин овозда:

– Ҳа... Ўғлим яхшиман! Эътибор берманглар!

Александр атрофга назар ташлаб:

– Имкон қадар вазиятни тўғрилашга ҳаракат қиламан. Шошилишимиз керак! Бу чексиз уммонда узоқ қолиш хатарли!

Олис шимолдан йўлга чиққанлар қандайдир дарё (Ленинград дарёси) дельтасига етиб келди. Ўзандаги сув оқимига қарши сузишда давом эта бошлади. Атрофда жуда оз миқдорда қор. Майсалар кўкариб қолган.

Пётр қуролини шай қилиб:

– Сергей, биз қаердамиз?

Сергей енгил бош чайқаб:

– Билмадим. Бу жойларни ҳеч қачон кўрмаганман. Аммо Красноярск деб умид қиламан!

76.290048 шимолий кенглик. 102.603940 шарқий узунлик.

Шу зайлда яна бир неча соат сузишди. Бирдан мотор овози ўчди... Бир амаллаб, қайиқни дарёнинг ўнг қирғоғига олиб чиқишди. Керакли юкларни бўлишиб, кўшимча юklarини “чана-қайиқ”чага юклаб, қирғоқ бўйлаб пиёда юра бошлашди. Кучлари етгунча узоқ

йўл юришди. Қўлбола чодир қуришди. Пётр ва Рамиль қуриган дарахт шохлари териб келиб, гулхан ёқди.

Барчалари оловда исиниб ўтирар эди. Сергей гап бошлади:

– Бу жойлар анча хатарли! Кутилмаган ҳар қандай ҳодиса бўлиши мумкин. Навбат билан қоровуллик қиламиз! Ухлаб олинглар!

Илк бор қуёш ботиб, тун бошланди...

32.834015 шимолий кенглик. 172.177326
шарқий узунлик.

“Тинч океани”да тентираб сузаётган катамаран, қуёш тигида узоқдан ялтираб кўринади.

Имкон қадар таъмирлашга уринаётган икки йигит ҳолдан тойган. Энг ёмони ичимлик суви йўқлиги... Аёллар қармоқ билан балиқ тутишга уринишмоқда... Қуёш ботиш арафасида қармоқларига балиқ илинди. Бироқ, уни пишириш учун энди ўтин ҳам олов ҳам йўқ эди.

Кечки совуқ ҳаво бошланди... Қўлига илинган матоларни усти-бошларига ёпиниб олишди. Барчалариниг кўзларида, юзларида тушкунлик. Ич-

ичидан иташмасада, хом балиқ гўштини тишлаб,
чайнашни бошлашди.

Дмитрий: “Оиламни боқишга кучим етмай
қолди... Ўзимни ҳар жойга уриб ишлардим. Аммо ўз
вақтида ақлимни ишлатиб, маблағ тўплай олмадим.
Ҳар куни етишмовчилик... Ҳар куни жанжаллар...
Фарзадларим мени кечирмаса керак!..”

Елена: “Дмитрий! Сен тирик экансан, албатта
барчасини тўғрилай оласан!”

Александр: “Хом гўшт унчалик мазали эмас,
бирок, қорин тўйдришга ярайди. Қани, олинглар!”

Шимол туни жуда қисқа бўлди...

Сергей ухлашга ҳам улгурмади. Улар бетакрор
манзарали, ўрмонли тоғ бағрига етиб келишди. Қалин
дарахтзорлар оралаб боришарди.

Рамиль курсига ўхшаган тошга дуч келди. Уни
устига ўтириб:

– Мана буни қаранглар!

Сергей уни ёнига келиб:

– Унинг устида ўтирма!

Рамиль ажабланиб:

– Нега?

Сергей Рамилнинг кўзларига қараб:

– Бу – қабр тоши!

Рамиль сакраб турди ва ортига ўгирилди. Сергей тошнинг устини қорлар ва шох-шаббалардан тозалади.


Таисия тошдаги ёзувларни ўқиди:

– Смирнова Кристина Михайловна.

Рамиль давомини ўқиди:

– Биолог – ботаник.

Ўрмонзор оралаб, кенг яйловга чиқиб, бир гала кўйхўкизлар (Овцебык) га дуч келишди.



Сергей: “Имкон қадар уларни айланиб ўтамиз!
Қўйхўкизлар ювош кўринсада, аслида анчагина хавфли
жонивор!”

Бу жониворларнинг баъзилари тўрт йўловчига
бироз термулиб, сўнг ўтлашда давом этар эди. Жамоа
бир-бирларини қўлларидан тутиб, тоғ этагидаги
тошларга тирмашиб чиқа бошлашди.

Шу пайт қўққисдан бўрилар тўдаси
қўйхўкизларни қувлашга тушди. Иккига бўлинган
тўдани бирини ортидан йирткичлар галаси ўраб олди.
Бу манзарани кўриб турганлар на юришини ва на
тўхташини билар эди. Шундоққина уларни ёнгинасида
йирткичлар бузоқчани йиқитишди... Қанчалик
кутулишга уринмасин ҳар томондан ташланган
бўрилар уни қўйиб юбормас эди.

Таисия бу “адолатсизлик”га чидай олмасдан:

– Пётр, ўқ уз уларга! Бўлақол!

Пётр ва қолганлар ҳам бу фойдасиз эканлигини
билар ва бир-бирларига шу маънода нигоҳ ташларди.
Бузоқча тинмай ўқирар ва типирчилар... Таисия ҳам
кўзлари ёшга тўлиб, тинимсиз жаҳл қилар эди.

У Пётрни муштлаб урар экан:

– Аблах... Қўрқоқ! Отсанг-чи уларни!

Сергей уларни ёнига келиб, Таисияни қўлидан
ушлаб тортар экан:

– Бас қил, қизим! Бу – ҳаёт!.. Биздан олдин ҳам шундай бўлган! Биздан кейин ҳам шундай бўлади!

Уни юпатишга уринар экан, икки қўли кафтлари билан юзини ушлаб:

– Таисия, менга қара! Тезроқ юқорига чиқишимиз шарт! Акс ҳолда, бизга ҳам ташланишади... Қани, юқорига! Тезроқ...

Барчалари бор куч қувватини ишга солиб, тошлар оралаб юқорилай бошладилар.

Кўйхўкиз боласининг туёқчалари кимирлашни бас қилган эди...

Жамоа жуда узоқ йўл юрди... Чарчаган ва совуқ қотган таналарига дам бердилар... Олов ёкиб, атрофида исинишмоқда... Ҳеч қандай гап-сўзсиз – жимгина ўтиришарди... Таисия ҳали ҳам жаҳлидан тушмаган... Пётрни кўришга кўзи йўқ эди.

Ниҳоят Пётр гап бошлади:

– Дам олинглар! Мен соқчилик қиламан!

Таисия киноя қилиб:

– “Ростдан-ми?.. Бўрилар бизни ҳам қандай бурдалашини томоша қилиб туришинг учунми?”

Пётр: “У... барибир узоқ яшай олмас эди!”

Таисия: “Уни яшашга ҳаққи бор эди!”

Сергей: “Болалар, бас қилинглари!”

Пётрнинг ҳам жаҳли чиқиб, овози баландлади:

– Ярадор бузоқчани улар тинч қўйишмас эди!
Нега тушунмайсан?!

Шу пайт Рамиль ўрнидан сапчиб туриб, “Биатлон -7-5”ни олиб, Пётрнинг рўпарасида турганча ўқ узди. Уччалоги ҳам жонларини асраш учун бошларини қўллари билан беркитиб ерга ётишди.

Рамиль яна битта ўқ узиб:

– Тегди! – дея бақирди ва югурганча ўтлоқ оралаб кетди.

Жамоанинг қолган аъзолари бошларини кўтариб унга қаради.

Йигитча эгилиб, оқ-сарғиш рангли куённи қўлига олиб уларга кўрсатди ва югурганча ортига қайтди.

Тиниқ осмонга қуёш кўтарилган... Океан шамоли эса бошлади.

Ниҳоят йиртиқ-ямоқ матолардан тайёрланган елканни кўтаришди. Катамараннинг сузиши “палуба”дагиларга сезила бошлади. Барчалари бундан жуда-жуда хурсанд...

Александр: “Ҳа! Ҳа-а-а!..”

Дмитрий: “Ҳа-а-а! – кейин қайиқни ўпиб, – ўзимни гўзалим! Сузақол!..”

Катамаран икки соат шу маромда сузди. Жамоа сув юзасида бир неча километрга ёйилиб кетган чиқиндиларга дуч келишди.

Хаётида бундай катта миқдордаги маиший чиқиндини кўрмаган Елена:

– Худойим!..

Барчалари бу ҳолатни кўриб ажабланишди.

Атрофда миллионлаб турли чиқиндилар...

Пластик идишлардан тортиб, болалар ўйинчоқларигача... Машина деталларидан тортиб, телефон бўлакларигача... Улар орасида нобуд бўлган балиқ ва қушлар ҳам бор.

Қисқа муддатга бўлсада қуёш ботиш арафасида...

Жисмонан чарчаган жамоа баланд тоғлар оралаб, адирлик томон тушишди. Ортларидан бўриларнинг овози эшитилди. Тунаш учун тезроқ жой топиш керак... Яна баландликка чиқишга кучлари етмаслигини тушунгач, атрофни кўздан кечиришга тушишди.

Адирлик юпка қор билан қопланган. Баъзи жойларидан ер кўринади.

Пётр, ғалати, доира шаклдаги қорсиз ерни кўриб қолди. Унинг ўртасида туриб, жамоадoshларини чакирди.

Пётр: “Ҳо-ой! Буёққа келинлар!”

Барчалари ўша жойга келишди.

Пётр милтиғини қўлига олиб:

– Ғалати... Шундай эмас-ми?

Сергей атрофини кузатиб:

– Ҳа... Аммо нега доира шаклида?

Қўлқопини ечиб ерни қўли билан ушлаб кўргач:

– Қор эриган ҳудуд ости илиқ ер ёки бўш... Бу шуни ағлатадики... Шу атрофни қаранглار! Эшик бўлиши мумкин.

Барчалари эшикни қидира бошлашди.

Таисия оёқлари остида нимадир борлигини пайқади:

– Бу ёққа келинлар!

Ертўла эшигини очиб, ичкарига бирин-кетин кира бошладилар. Рамиль қўл чироқларини олиб ҳаммага тарқатди.

Қалин ёғочлардан ясалган девор ва устунлар... Ҳамма жойда ўргимчак инлари... Шинам стол ва стуллар ҳам бор. Бир четда шимол буғиси шохлари тўпланиб турибди.

Шундагина барчага тушунарли бўлди. Бу овчилар омбори эди.

Эшикни ичкаридан маҳкам тамбаллашди. Бундай ғаройиб хонани кўриб улар ҳайратланишди ва албатта ўзларини анча бежавотир ҳис этишди. Улар қулай ўрнашиб, дам ола бошладилар.

Сергей: “Тўрт девор орасида яшаб, ўрганиб қолган эканман. Яшаш деганда иш, уй, машина, дўкон, ҳар ой интизорлик билан кутиладиган маош, нафақани тушунадиган бўлиб қолибман! Уйда зерикиб... Шу лаънати ўйинга қатнашган эдим...”

Тинглаётганлар мийиғида жилмайиб қўйишди.

Сергей: “Биз – табиатдан қанчалар узоқлашиб кетибмиз?!”

Таисия: “Уйга қайтсам... Уйга қайтсам кучук, мушукча боқиб оламан! Кушлар... Ғоз, ўрдак...”

Рамиль: “Мен ҳам дўконимда балиқлар сотаман! Йўқ... Яхшиси, аквариум дўкони очаман!”

Барчалари енгилгина кулишди.

Таисия кўшиқ (Песня про зайцев) куйлай бошлади:

– “В темно-синем лесу,
Где трепещут осины,
Где с дубов колдунов
Облетает листва,”

Рамиль ҳам қўшилди:

– “На поляне траву

Зайцы в полночь косили
И при этом напевали
Странные слова”

Қолганлар ҳам жўр бўлишди:
– “А нам все равно,
А нам все равно,
Пусть боимся мы
Волка и сову.

Дело есть у нас –
В самый жуткий час
Мы волшебную
Косит трын-траву...”

Улар қувноқ кайфиятда қуйлашда давом
этишарди... Ташқаридан –шундоққина ертўла
тепасидан бўриларнинг овози эшитилди...

Мато бўлакларидан соябон қилинган...
Еленанинг соғлиги ёмонлаша бошлади.
Екатерина унинг ёнида ўтириб, пешонасига
намлантирилган мато қўйиб:

– Бироз иситмангиз бор! “Парацетамол”
(таблетка) бердим сизга!

Елена: “Раҳмат қизим!”

Екатерина: “Ҳаммаси яхши бўлади! Онажон!”

Шу пайт қайиқ атрофидан бир тўда дельфинлар ўта бошлади. Тўда шунчалар катта эдики, сувдан отилиб чиққан делфинлар қайиқнинг ҳар томонидан кўриниш берди. Бундай ғаройиб манзара катамарандагиларни ҳайратга солди. Дельфинлардан қочишга уринаётган майда балиқлар қайиқ устига отилиб чиқа бошлади. Бу худди қозонга ўзлари сакраб чиқаётган “овқат”га ўхшар эди.

Александр ва Дмитрий ўрниларидан туриб бу “ёгуликлар”ни бирин-кетин тута бошлади.

Тутилган балиқлар қуёш тигида қуритилиш учун дорга қатор қилиб териб қўйилган эди.

Дмитрий: “Алек! Тахминан яна қанча сузамиз? – бироз нарида ўтирган аёлларга бир назар ташлаб қўйгач, – уйга тирик қайта олашимиз?”

Александр: “Билмадим! Чикмаган жондан умид! Шамол йўналиши бўйлаб шимолга сузаверамиз! Фақат, ичимлик суви тайёрлашимиз шарт!”

Дмитрий ёнидаги халтачани очиб, ўн дона қолган арокни унга кўрсатиб тиржайди.

Ертўладагилар кетишга тайёрланишди...

Пётр куролини шай қилиб, биринчи бўлиб ташқарига чиқди. Ортидан қолганлар ҳам йўл олишди.

Пётр: “Бўрилар кетибди!”

Сергей: “Айни муддао... Тезроқ кетамиз!”

Барчалари атрофни кузатиб, хавотир ва қўрқув билан йўлларини давом эттиришди. Ўрмон оралаб, узоқ юриб бир жойда нафас ростлаш учун тўхташди.


Сергей: “Яна коронғу бўлмасидан очиқ жойга чиқиб олишимиз керак!”

Таисия: “Ортиқ юра олмайман... Жуда чарчадим!”

Дарахтлар орасида шитирлаган товушлар эшитила бошлади. Барчаси атрофга қараб, бу нима эканини билишга интилади.

Рамиль: “Сергей!..”

Ҳамма ўша томонга қаради. Рўпарада, дарахтлар орасидан оҳиста қадам ташлаб келаётган катта кулранг бўрини кўришди. Жаҳлдор, оч бўри сўйлоқ тишларини кўрсатиб, дадил қадам босиб улар томон юришда давом этди. Пётр милтиғи билан уни мўлжалга олиб, тез-тез нафас олар эди. Қолганлар ҳам найзаларни қўлларига олиб, ҳаёт-мамот жангига шай бўлдилар.



Ўрмон йиртқичлари ҳар томондан уларни ўраб олди. Улар қўрқмасдан жамоадагиларга яқинлаша бошладилар. Оч бўрилар бирваракайига ҳужумга ўтишди.

Пётр катта бўрига ўқ узди. Сергей бошқа бир йиртқични биқинига найза санчди. Аммо бўрилар асло чекинишни истамас эди. Қайта ҳужум қилишди. Иккита йиртқич Таисияни қалин кийимидан тишлаб, тортиб кета бошлади. Пётр яна учта бўрига ўқ узди. Иккитаси қорга йиқилди...

Катта бўри Таисияни тортиб кетаётганини кўрган Рамиль йиртқичнинг устига ташланди. Бўри, тагида ётган Таисияни тишлашга қанча уринса, Рамиль ҳам уни томоғидан буғиб, тортишга уринади. Уларни кўриб

турган Пётр мўлжалга олишга қанча урунсада ҳеч иложи бўлмади.

Сергей бошқа бўриларни яқинлаштирмасликка жон-жаҳди билан ҳаракат қиларди.

Пётр югуриб Таисия ва Рамилни ўртасида турган бўрининг олдига келди. Чаққонлик билан йиртқични бошига милтиқнинг учини қадаб, ўк узди. Бўрини овозини эшитган йиртқич тўдасининг бошқа аъзолари дарахтлар орасига қоча бошлади.

Таисия ётган жойида қўрқувдан қичқириб йиғлайди. Унинг ёнида Рамиль жонсиз бўрининг танасини ҳамон дўппослаб бақирарди...

75.198074 шимолий кенглик. 107.724725 шарқий узунлик.

Ғазаб ва қўрқувга тўлиб-тошган нигоҳлар йўлда давом этди. Аммо энди улар руҳан бошқа одамларга айланишган...

Кенг ботқоқликка дуч келишди. Атрофда катта - кичик кўлмаклар ва балчиқ ҳиди бор.

Сергей йўл бошлаб борар экан:

– Оёқларингиз остига қараб юринглар!

Вазият ниҳоятда жиддий бўлиб борарди. Баъзан белларигача сув ва балчиққа ботиб кийим-кечаклари жикқа ҳўл бўлар... Таналари совуқ қота бошлади.

Бироқ тирик қолиш иштиёқи уларни бир сонияга ҳам тўхтатмас эди.

Таисиянинг оёқлари остидаги ер тўсатдан чуқурлашиб, сувга чўка бошлади. Барчалари унинг овозини эшитиб, ўша томонга қаради. Таисия сузишга қанчалик уринмасин, устидаги қалин кийим халақит қиларди.

Пётр биринчи бўлиб ёрдамга шошилди ва ўзини сувга ташлади. Бир амаллаб уни ёқасидан тутиб, торта бошлади. Сергей ва Рамиль узун алюминийдан ясалган найзаларни унга узатиб ёрдамлашишди. Ниҳоят уни кутқариб олишди.

Пётр ва Таисиянинг таналари совуқдан тинимсиз қалтирарди. Қолганлар уларни устидаги қалин кийимларни куруқ кийимларга алмаштирди.

Тун қоронғусида Еленанинг ҳам соғлиги ёмонлашиб, қаттиқ қалтирай бошлади.

Екатерина кўзларида ёш билан келиб, Александрни уйғотди:

- Алек... Алек турақол! Еленанинг аҳволи ёмон... Александр ўрнидан сапчиб туриб:
- Нима? Нима?

Иккиси ҳам уни ёнига шошилди. Александр “Анальгин” ва “Димедрол”дан шприцга тортиб, Екатеринага узатди.

Екатерина: “Чиданг! Озгина чиданг! – Александрга қараб кўзларида ёш билан, – мен укол қилишни билмайман!”

Александр қатъият билан:

– Қила оласан! Бўлақол!

Екатерина қўллари қалтираб у айтгандек қилар экан:

– Елена, сабр қилинг! Чиданг!..

Қуёш ботган... Осмон қизил тусда...

Барчалари балчиқ оралаб юришда давом этаркан совукдан қалтираб борарди. Таисия хушини йўқотиб йиқилди. Пётр ва Дмитрий биринчи ёрдам беришни бошлади. Таисия қийналиб нафас олар, қўл- оёқлари ўзига бўйсунмай қалтирар эди.

Пётр нафас олдиришга уринар экан:

– Йўқ! Ўлма! Ҳозир эмас!..

Рамиль титраб йиғлар эди.

40.318650 шимолий кенглик. 168.201422
шарқий узунлик.
Эрта тонг... Қуёш заррин нурларини сочди.
Александр ҳам Еленага биринчи ёрдам
кўрсатишга уринарди.
Екатерина кўзларини юмиб додлайди:
– Йў-ў-ўқ!.. Онажон!
Дмитрий алам, қаҳр-ғазаб исканжасида тинимсиз
муштлири билан қайиқни урарди.

Сергей кўлларини мушт қилиб ерга қўйди. Пётр
Таисияни кутқариб қолиш учун бор кучи билан ҳаракат
қиларди.

Рамиль кўзларида ёш билан қуёш ботган томонга
қараб, дуога кўлларини очди:

– “Ашҳаду анна Муҳаммадан расулуллоҳ. ... Ла
илаҳа иллаллоҳ !”

Сергей ҳам ўша томонга қараб, тавба қилди:

– Худойим, ўзинг асра!..

Қуёш ботган дўнгликнинг ортида қандайдир
ёруғлик пайдо бўлди. Баъзан юқорига, баъзан пастга

ҳаракатланаётган бу ёруғликни кўрган Сергей ва Рамиль кўзларида ёш билан унга қарарди. Ҳар иккиси ҳам бу нима эканини англай олмади. Ёруғлик улар томон яқинлашар экан, тобора ёрқинлашиб борар... Шу билан биргаликда мотор овози ҳам эшитила бошлади.

Махсус тунги чироқлари ёрқин нур сочиб турган “Витязь” (“Витязь-Ледокол” – ДТ-30П – двухзвенный гусеничный транспортер) уларни рўпарасига келиб тўхтади. Мотор овози гуриллаб ерни титратиб турарди.

Рул чамбараги олдида ўтирган ҳайдовчи ва унинг шериги:

– Э-эй, Худойим! – дея эшикларни очиб, уларга қаради...



Кўзлари юмилган ҳолда ётган Еленанинг атрофида уччалоғи ҳам имкон қадар унга ёрдам беришга уринишарди. Барчалари қайғуга тушиб қолган эдилар. Ҳатто уларнинг ёнгинасига келган кемани ҳам пайқашмади. Фақат, кеманинг махсус серена товуши чалингандан кейингина ўша томонга қайрилиб қарашди. Дмитрий ўрнидан туриб, кўлини кўтариб, уларни ёрдамга чакирарди...

Россия океан тадқиқотчилар кемаси (“Институт Океанологии –Российской академии”. “Академик Иоффе” – научно-исследовательское судно) даги инсонлар уларни палубага олиб ўтишди. Кема шифокорлари зудлик билан Еленага тиббий ёрдам кўрсатишни бошлашди...

“Витязь” машинаси ичида Таисияга ҳам тиббий ёрдам беришни бошлади. Устидаги ҳўл ва лой кийимларини ечиб, иссиқ матога ўрашди. Барчаларининг умиди Худодан...

Қандайдир темир шифт... Деразалардан
тушаётган қуёш нури тебранади.

Пётр хона бурчагида мудраб ўтирибди.

Таисия паст овозда:

– Пётр!

Пётр Таисиянинг овозини эшитди. Кўзларини
очиб қаради ва тезда унинг ёнига келди. Сочлари ва
юзларини силаб:

– Таисия! Ҳаммамизни қўрқитдинг!

Таисия паст овозда:

– Кечир мени!

Пётр унинг кўзларига термулиб:

– Нега ундай дейсан?

Рамиль ҳам уйғониб қолди ва чопиб келиб уни
кучоқлади. Сергей ҳам келди. Нигоҳлар бир-бирини
кўриб, қувончдан порлайди...

Каттакон қўллар оралаб баъзан сузиб, баъзан
юриб бораётган машина жануб томон ҳаракатланишда
давом этмоқда...

Кема бошқарув бўлимида, курсига ўтириб чой ичаётган кема капитани “меҳмонлар”нинг махсус “бейджик-ID карта”ларига термулиб ўтирарди.

Шу пайт зобитлардан бири келиб капитанга:
– Рухсат этинг! – дея унинг қўлига нималардир ёзилган қоғозни узатди.

Капитан қоғозни қўлига олди ва ўқиб чиқди:
– Тушунарли-и!

Кема шифокори жамоадагиларга хуш хабар етказди. Барчасининг юзида қувонч пайдо бўлди.

Екатерина хонага чопиб кириб:

– Елена! Онажон!..

Она-бола қучоқлашиб дийдорлашишди.

Дмитрий Александрга қараб:

– Ундан яхшисини топа олмайсан!

– Нима? Қўйсанг-чи!

– Ҳа... Рост!

Тушлик вақти...

“Витязь”нинг томида Сергей ва машина эгалари ўтиришибди. Дастурхон ёзилган... Рамиль егуликларни олиб чиқди.

Машина эгаси Сергейнинг махсус “бейджик-ID карта”сини қўлида ушлаб турар экан:

– Тушунарли! Ажабо! Бир кун олдин йўлга чикмоқчи эдик! Худонинг ўзи бизни сизларнинг ёнингизга жўнатибди!

Сергей: “Ҳа! Сизлар бўлмаганингизда...”

Ҳайдовчи: “...Қўйсангиз-чи! Ренат Бельков!

Ренат деб чақираверинг! – ёнидаги шеригини кўрсатиб, – бу шеригим ва укам Валерий Бельков!”

Сергей: “Танишганимдан хурсандман!”

Валерий: “Мен ҳам!”

Ренат: “Бизни ишимиз табиатни муҳофаза қилиш ва янги нефть конларини кидириш. Атрофни текшираимиз... Намуналар олаимиз... Майли, кўяверинг! Қани, ҳаммани овқатлангани чақираимиз!”

Рамиль машина деразасини тақиллатиб, ичкаридаги Пётр ва Таисияни чақирди.

Барчалари машина томида тўпланишди...

Ренат: “Қани, қадаҳ сўзи!”

Сергей: “Омон қолганимиз учун!”

Пётр: “Аёвсиз муҳитни енга олганимиз учун!”


Таисия: “Қўрқувга тик қарай олганимиз учун!”

Рамиль: “Уйга қайтаётганимиз учун!”

Валерий: “Ҳаёт учун!”

Ренат: “Омон қолганингиз учун!..”

Кенг уммонда виқор билан сузаётган оппоқ кема (“Академик Иоффе”) ботаётган қуёшда товланади...



Ресторан столларидан бирида жамоа жам бўлган. Барчасига янги кийим-кечак беришган. Йигитлар соч-соқолларини тартибга келтириб олишган. Кайфиятлари ҳам аъло...

Уларни ёнига кема капитани келиб:
– Хайрли кеч хонимлар ва жаноблар!

Барчалари ўрнидан туриб кутиб олишди.

Капитан босиқлик билан:

– Йўқ-йўқ! Ўрнингиздан турманг! Майли!

“Академик Иоффе” илмий тадқиқот кemasи капитани Николай Николаевич Орловман! Сизлар билан бирга ўтиришимга қарши эмасмисизлар?!

Стол атрофида ўтиришиб, суҳбатлашиб овқат тановвул қилишди.

Елена кема капитанига қараб:

– Бизни қутқариб, катта олий жаноблик қилдингиз! Сиздан қарздормиз!

Николай жилмайиб:

– Қўйсангиз-чи!

Елена кўзларида ёш билан қўлидаги қимматбаҳо тақинчоғини унга узатиб:

– Ҳеч бўлмаса шуни...

Николай унинг қўлидагини рад этиб:

– ...Йўқ, хоним! Мен ўз фуқаролик бурчимни бажардим холос! Қолаверса, менинг онам ҳам мактабда фаррош бўлиб ишлаган! Тўрт ўғил ва беш қизни ҳеч нарсга зориқтирмай вояга етказган! – деди ўрнида виқор билан ўтирганча. – Онам доим шундай дер эди: “Ҳаётда ким бўлиб ишлашинг муҳим эмас! Муҳими – инсон бўл!” – ўнг қўлига қадаҳ олиб, – инсонийлик учун!

Барчалари қадаҳ кўтаришди...

Катта тезликда ҳаракатланиб кетаётган “Витязь”нинг кабинасида Ренат, Валерий, Сергей ва Пётр қизгин суҳбат қилиб боришмоқда. Йўловчилар хонасида Таисия ва Рамиль овқат учун масаллиқларни тайёрлаш билан банд.

Рамиль кутилмаган савол билан Таисияга:

– Унга турмушга чиқасизми?

Таисия иккиланиб:

– Кимга? – пешонасига кафтини қўйиб, кула бошлади, – э-эй, Худойим!

Рамиль нонни бўлакларга ажратар экан:

– Ҳа, нима? Яхши йигит!

Дарёга яқин келганда машина тезлиги секинлашди. Таисия ва Рамиль мувозанатни бироз йўқотди.

Валерий қўлига харитани олиб қаради:

– Катта Балахня дарёси!

Ренат алоқа воситаси орқали дам олиш хонасидагиларга деди:

– Диккат! Дарёдан кечиб ўтамин!

“Витязь” дарёга туша бошлар экан, сув машина ойналаригача кўтарилди. Бундай “томоша”ни илгари кўрмаган Сергей ва Пётр ҳайратланиб атрофга қаради.

Ренат жилмайиб ёнида ўтирганларга:

– Кўрқманглар! Бу – амфибия! Сувда чўкмас баҳодир!

Бандаргоҳ (порт) Ванино.

“Академик Иоффе” – тадқиқот кемаси соҳилга яқин жойда тўхтади. Кема капитани меҳмонларни ҳузурига чақирди. Жамоодагилар соҳилни кўриб жуда қувонишди.

Николай: “Хўш... Мана, Хабаровск ўлкаси! Сизларни қирғоққа кузатиб қўйишади! – деди. Сўнгра кулиб, – уйга қайтганингиз билан!.. Енгилмас жамоа!”

Александр: “Раҳмат капитан!”

Елена: “Николай Николаевич, раҳмат сизга!”

Николай: “Уммонни соғинсангиз шахсан ўзимга мурожаат қилинг!”

Барчалари қўл сиқишиб хайрлашишди ва қайиққа ўтириб, қирғоқ томон суза бошлашди.

Машина ҳайдаб кетаётган Ренат ёнида
ўтирганларга қараб:
– Йигитлар! Етиб келдик! Бу – Котуй дарёси.
Сузиб ўтамыз! Тайёрланинглар!

Красноярск ўлкаси. Хатанга.
Манзилга етиб келишди... Барчалари Ренат ва
Валерийларга миннатдорчилик билдиришди.
Ренат Сергейга қараб:
– Хў-ўш, қария!.. Майли! Омад тилайман!
Сергей чўнтагидан тилла соатини (“Павель
Буре”) олиб, Ренатни қўлига тутқазиб:
– Бу... Нижний Новгороддан сизга эсдалик!
Ренат хижолат бўлиб:
– Йўқ-йўқ, олмайман! Ахир...
Сергей ишонч билан:
– ...Олинг! Бу сизга совға! Биздан эсдалик!..
Ренат совғани олиб:
– Омадингизни берсин!
Шундан сўнг жамоадагилар Хатанга кўчалари
бўйлаб юра бошлашди.
Пётр: “Сергей, энди нима қиламиз?”

Сергей: “Шу ерда туғилиб ўсган бир йигит бор эди. Тиббиёт институтида бирга ўқиганмиз! Тимофей Фёдоров!”

Норильская кўчаси 12. Туман шифохонаси №1. Хатанга.

“Офтальмолог” деб ёзилган эшикни очиб, Сергей ичкарига кирди. Ортидан қолганлар ҳам...

Шифокор журналга нималарнидир ёзиб ўтирганча:

– Келинг, ўтиринг!

Сергей унга яқин келиб:

– Кўзларимга бир қараб қўйсангиз!

Шифокор унга бир қараб, ёзишдан тўхтаб қолди ва яна бошини кўтариб унга қараганча:

– Сергей?!

Сергей юзлари ёришиб:

– Тимофей!

Икки қария кўзларида ёш билан кучоклашишди.

Тимофей кадрдонини кўзларига қараб:

– Лаънати... Китоб ўғриси... Наҳотки, бу сен?!

Сергей жилмайиб:

– Ҳа!.. Менман! – унинг қўлидаги ҳассани кўриб,
– Чўлоқ бўлиб қолибсан-ку?!

Эски курсдошлар яна бир-бирларини кучоклаб, бағрига босди.

Тимофейнинг уйида...

Меҳмонларнинг барчасига бош-оёқ кийим-кечак беришди. Сергей ва Пётр ўсган соқолларини олди ва иссиқ душ қабул қилишди.

Кечки овқат вақти...

Меҳмонлар стол атрофида. Мезбонинг ўғли, келини ва икки нафар набираси ҳам бор.

Сергей собиқ курсдошига:

– Нафақага чиқмадингми?

– Нафақадаман! Бу ер – кичкина қишлоқ...

Кадрлар етишмайди... Қолаверса, ўзим ҳам уйда зерикаман. Ўзинг тушунасан... – жамоанинг бошқа аъзоларига қараб, – меҳмонлар, қани, овқатдан олинглар! Келиним сизлар учун тайёрлади!

Камен олдида ўтирган икки “қария” ўзаро суҳбатини давом эттирди.

Тимофей барча воқеалардан хабар топиб:

– Тушунарли! Ўғлим – учувчи! – ўғлини чакириб унга, – сенга, бир хизмат бор!

Тимофейнинг келини ва Таисия ошхона идишларини ювиш билан банд.

Таисия қизиқиб сўради:

– Севиб турмуш қурганмисиз?

Тимофейнинг келини жилмайиб:

– Албатта! Сиз-чи?

Таисия уялиб:
– Мен ҳали...
Тимофейнинг келини унга жилмайиб:
– ... Тушунарли! Яхши йигитга ўхшайди...
Дадилроқ бўлинг!

Хабаровск ўлкаси. Хабаровск шаҳри.
Маяковского кўчаси.
Дмитрийнинг уйини эшиги олдида жамоадагилар
турар эди.
Александр биров иккиланиб Дмитрийга деди:
– Балки, шарт эмасдир?..
Дмитрий Александрга ғалати қараш қилиб:
– Йўқ! Нега энди? Бу мени уйим! Ахир, меҳмон
бўлиб келдиларингиз!
Дмитрий шундан сўнг эшикни тақиллатди.
Эшик очилди. Аммо ичкаридан ҳеч ким остона
ҳатлаб чиқмади.
Дмирий тиржайиб, кулочини кенг ёйиб:
– Хотинжо-он! Мен келди-им!
Ичкаридан овқат тайёрлайдиган қозон учиб
чиқиб, Дмитрийнинг нақ пешонасига тегди. Бечора
остона олдида турганча орқага йиқилди.

Шу пайт мактабдан уйга қайтиб келаётган
Дмитрийнинг саккиз ёшли қизалоғи:

– Салом ота!..

Дмитрий ётган жойида бошини кўтариб:

– Сало-ом қизалоғим!

Анчагина катта ҳажмдаги мактаб сумкасини
елкасига осиб олган қизча отасига бир қараб қўйди ва
секингина эшикни ёпиб, уй ичига кириб кетди.

Жамоодагилар поезд вағонида бир купеда
ўтиришибди. Дмитрийнинг пешонаси боғланган...

Елена: “Хафа бўлма! Хотинингни ўрнида мен ҳам
шундай қилган бўлар эдим! Аммо билиб қўй! Сен –
уларга кераксан!”

Вагонлар силтаниб, поезд ҳаракатлана бошлади...

“Ми-8” вертолёти ҳавога кўтарилди. Ерда
Тимофей ва унинг оиласи қўлларини кўтариб
хайрлашди. Вертолёт ичидагилар ҳам...

Улар қалин ва бепоён ўрмонлар устидан учиб
борар экан, Тимофейнинг ўғли деди:

– Сергей амаки! Ванаваарагача учиб борамиз! У ерда бир танишим бор. Сизларни Усть-Кутгача олиб бориб кўяди.

Сергей бош чайқаб:

– Ҳа, тушундим! Яхши!

Таисия Пётрнинг елкасига бошини кўйди. Узоқ вақт бир-бирини излаган кўнгиллар энди таскин топди...

Александр кўзларини очиб қаради. Дмитрий ўз жойида стол устида турган бир шиша ароққа термулиб ўтирибди. Александр ўрнидан туриб, спиртли ичимликдан куйиб унга узатди.

Дмитрий бошини қимирлатиб:

– Йўқ... Энди ичмайман! Ҳеч қачон!

Александр икки қўл бармоқларини тенглаштириб:

– Мен ҳам оила қуришга қарор қилдим!

Дмитрий тиржайиб, қошларини баланд кўтариб:

– Зўр-ку! Буни – ювиш керак! Э-э, нималар деяпман?! Омадингни берсин! Юр, ҳеч бўлмаса сигарета чекиб келамиз!

Бошқаларни уйғотиб юбормаслик учун эшикни
оҳиста очиб, ташқарига чиқиб кетишди.

Елена кўзлари юмилган ҳолатда:

– Қизим! Сенга нима деган эдим! У ҳам сени
севади!

Екатерина ҳам кўзлари юмилган ҳолатда
жилмайиб:

– Онажон, қўйсангиз-чи!

Елена майин овозда:

– Мен ҳам сени бахтингни кўришни истайман,
қизалоғим!

Ванавара. Маҳаллий аэропорт.

Вертолёт меҳмонларни манзилга ташлаб, ортига
уча бошлади. Басавлат йигит ва қиз уларни кутиб олди.

Сергей қўл узатиб: “Салом! Мен – Сергей!”

Йигит: “Салом меҳмонлар! Мен – Артём! Бу эса
– аёлим Ксения! Сизларни манзилингизга элтиб
қўямиз!”

Подкаменная Тунгуса дарёси.

Артём жамоадагиларни дарё қирғоғида турган
қайиқ (“Салют” – 80) ёнига олиб келди ва деди:

– Қани, марҳамат! Эҳтиёт бўлиб чиқинглар!
Рамиль энсаси қотиб:
– Яна қайиққа чиқамизми?!
Қалин ўрмон орасидан ўтган дарёда “Салют –
480” ўзидан оппоқ из қолдириб, сузиб борарди...

Иркутск вилояти. Усть-Илимский тумани. Чула дарёси.

Қайиқ дарё қирғоғида тўхтади. Барчалари ундан тушиб, қандайдир бир уйга боришди. Шинам уй, ўрмоннинг ўртасида... Табиати ниҳоятда ажойиб.

Артём устига мато ёпиб қўйилган қандайдир машина олдига келиб:

– Буёғига, машинада борамиз! – машинани устидан матони олиб ташлар экан, – азиз меҳмонларим танишинг! Бу бизнинг тойчоғимиз – “Шаман”
(Вездеход AR-3983 “Шаман” 8х8, интерьер: “Охотник”)!



Саккиз ғилдиракли бу баҳайбат “махлуқ”ни
кўрганлар унга ажабланиб қарар эди.

Рамиль уни қўллари билан ушлаб кўрар экан:
“Қойи-ил!”

Забайкал ўлкаси. Чита вилояти. Чита шаҳри.
Чита темир йўл вокзали.

Вокзал олдидаги фонтан ёнида Александр ва
Екатерина ўзаро суҳбатлашишар эди. Екатерина гап
бошлади:

- Мени севасанми?
- Нима? Мен-ми?!
- Ҳа!
- Ростини айтайми?
- Ҳа! Ростини айт?!
- Ҳа! Ҳа, сени севиб қолдим! Сени севаман!..
- Узоқдан кузатиб турган Дмитрий Еленага:
- Бу тақдир!
- Елена унинг бошига енгилгина уриб:
- Бу – ҳаёт! Хом калла-а...

“Шаман” олтмиш-етмиш километр тезликда нотекис йўллардан ҳаракатланмоқда...
Артём Рамилга қараб:
– Ҳой, йигитча машинани ҳайдаб кўрасанми?
Табиийки Рамиль рози бўлди. Икки километрча йўлни босиб ўтгандан сўнг рулни эгасига топширди.
Артём Рамилга қараб:
– Хўш қандай экан?
Шундоққина уни ортида ўтирган Рамиль:
– Гап йўқ! Ажойиб!
Таисия Ксенияга қараб:
– Нега бу ерларда яшайсизлар?

Ксения сумкасидаги шахсий нарсаларини тартибга келтирар экан:

– Ўрмон хўжалиги бўйича таҳсил олганмиз.

Ишимиз ҳам ҳаётимиз ҳам шу жойларда. Энг муҳими...

Артём унинг гапини бўлиб:

– ...Энг муҳими, қалбингиз қаерда бўлса – ўша жойда бўлинг!

Ксения Таисияни ёнига келиб ўтирди ва ён дафтарчасидаги фото суратларини унга кўрсатди. Суратда Артём ва Ксения турли манзарали жойларда бирга тушган эди.

Таисия уларни қандайдир катта тош устида тушган суратини кўрсатиб:

– Бу қанақа жой?

Ксения суратга қараб:

– Ҳа, буми? “Фил қоя” (“Скала Слоник”). Баланд бу чўққининг кўриниши филга ўхшагани учун шундай номлашган. У Байкал кўлидаги “Большой Ушканий” оролчасида!

Артём жамоадагиларга қараб:

– Биз ҳозир ўша томонга, Усть-Кутга бораёпмиз!

Сергей чўнтагидан конвертни олиб унга қаради. “К-2” чўққисининг сурати. Конвертни муқовасидаги: “Биринчи кадам! Энг асосийси бу – ишонч!”, – деган ёзувга қараб шунай деди:

– Скала Слоник!..

Жамоадагиларнинг барчалари бунинг маъносини энди тушундилар...

Таисия пушти ранг филча (юмшоқ ўйинчоқ) ни кўлига олди. Шунда унинг кўзларидан тинимсиз ёш оқа бошлади. Бармоқлари билан Пётрни кафтидан маҳкам ушлаб ўтирарди. Пётр кизнинг сочларидан ўпиб, кучоқлади. Сергейнинг ҳам кўнглида хотиржамлик сезила бошлади...

Коинотдан ҳам кўриниб турадиган... Ўттиз миллион йилдан бери шаклланиб келаётган... Ер сайёрасидаги чучук сув захирасини бешдан бир қисмини ўзида сиғдирган – Байкал кўли. Сирли ва бетакрор табиат мўъжизаси...

Иркутск вилояти. Усть-Кут.

Лена дарёси устидан ўтган кўприкда ҳаракатланиб кетаётган “Шаман” (вездеход-амфибия) ичидагилар ниҳоятда бахтиёр эдилар. Тез орада кўзлаган манзилига етишади...

Артём: “Демак, Байкалга борамиз!”

Ксения жамоадагиларга жилмайиб: “Аммо айтишим шарт! Байкал – сирли кўл! Ҳаммани ҳам қабул қилавермайди. Бу жуда ҳам жиддий! Руҳан тайёр бўлишингиз керак!”

Сергей: “Сизларни ишонтириб айтаман!.. У ердан бир дона тош ҳам олмаймиз! Фақат ўзимизники бўлган буюмни олиб қайтамиз!”

Артём машина тезлигини ошириб: “Унда олға!..”

Бурятия Республикаси. Улан-Удэ. Улан-Удэ темир йўл вокзали.

Поезддан тушган жамоа шиддат билан юриб таксилар олдига келди. “ГАЗ-21” волга автомобили эгаси билан келишиб олишди. Барчалари машинага ўтиришиб, яна йўлга чиқишди...

Дмитрий Еленага қараб: “Ишончингиз комилми? Аниқ ўша ердами?”

Елена кўлидаги кулранг филча (юмшоқ ўйинчоқ) га қараб: “Билмадим! Аммо тахминим шундай!”

Дмитрий: “Э-э-эй... Худойим!” – деб бош чайқади.

Екатерина Еленани қучоқлаб:

– Онажон, сиз ҳақсиз! Кўнглим сезаяпти... Мен сизга ишонаман! Ҳаммадан ҳам кўпроқ!

Иркутск вилояти. Байкало - Ленский.
Тоғлар оралаб ҳаракатланаётган машинани бошқариб бораётган Артём деди:
– Байкало-Ленский ҳудудидамиз!
Ксения автомобиль понельидаги харитага қараб:
– Яна ўттиз беш километр масофа қолди!

Бурятия Республикаси. Усть-Баргузин.
Кичик шаҳарчага келган меҳмонлар ҳар томонга қараб, ниманидир излар эди.
Бир четда ёғочдан ясалган “бутка” ичида ўтирган чол уларни кўриб ташқарига чиқди. “Бутка” пештоқиға: “Ижарага қайиқ”, – деб ёзилган...
Гавдали, ёши саксонга яқин, соқолли кекса инсон:
– Сайёҳмисизлар? Са-алом! Қандай хизмат керак?

Нихоят уларни Байкал соҳилига олиб борди.
Барчалари сирли ва улкан кўлни кўриб қойил қолишди.

Мезбон соҳилда турган қайиқ устидаги матони
олиб ташлар экан:

– Мен – Станислав Сергеевич Степанов!

Унга ёрдамлашаётган Александр кўл узатиб:

– Александр!

Станислав бобо сарғайган тишларини кўрсатиб
тиржайди:

– Хў-ўш. Демак, гап бундай! Кўлга тушиш
аслида-а махсус рухсатнома билан бўлади! Аммо
сизларга истисно қиламан! Шунинг учун сизлар билан
бирга бораман! – жамоанинг барча аъзоларига қараб, –
хизмат ҳақи ҳам икки карра ошади! Хў-ўш?

Розимисизлар?

Елена Станислав бобога ўзининг қадрли тилла
тақинчоғини берди.

Иркутск вилояти. Байкало-Ленский (Мет.ст.
Солнечная).

Барчалари машинадан тушиб, тайёргарлик кўра
бошлашди. Артём автомобилининг орқа қисмига
махсус паррак (гребной винт) ўрната бошлади.

Рамиль кизиқиб ундан сўради:

– Бу яна нима?

Артём курулмани созлар экан:

– Бу – “перванел винт”. Машина – энди “кемага” айланади! Кўлни сузиб ўтамыз!

Рамиль бошини қашиб:

– Қойи-ил!

Таисия қирғокдаги тошлар устида ётган бир тўда Байкал нерплари (Байкальской тюлень) ни кўриб қолди ва деди:

– Бунни қаранглар!

Ксения ортига ўгирилиб қаради:

– Бу – Байкал нерпи! Анчагина ювош жониворлар...



Ниҳоят машина тайёр бўлди... “Шаман”
Байкалнинг тиниқ сувида суза бошлади.

Қайиқ рулини бошқариб кетаётган Станислав
бобо:

– Қаранглар! Қандай ажойиб манзара-а! Бундай
улкан кўлда сузаётганимиздан қўрқаётганингиз йўқми?
Меҳмонлар бу гапни эшитиб кулгидан ўзларини
базўр тутиб туришарди.

Станислав бобо уларни жим ўтирганидан ҳайрон
бўлиб:

– Қайикқа биринчи маротаба чиқишингизми?

Дмитрий тиржайиб:

– Ҳа... Ш-шунга ўхшашроқ...

Станислав бобо оғзини катта очиб кулар экан:

– Қўрқманглар! Ҳозирги замонда-а сувда
сузишдан кўра ерда юриш хавфлироқ бўлиб қолган...

Бурятия Республикаси. Большой Ушканий
ороли.

Қирғоққа биринчи бўлиб Сергейнинг жамоаси
етиб келди. Барчаларининг кўзи “Фил қоя”га
қаратилган... Тезроқ унга етиб боришга ошиқадилар.
Кўзларда қувонч...

Машина қирғоққа чиқди.

Айни шу пайт уларга яқинлашиб бораётган
Еленанинг жамоаси узоқдан уларни кўриб қолдилар.
Барчалари тушундики, бу – рақиб жамоа...

Дмитрий қайиқнинг эгасига:

– Тезроқ! Газни босинг! – ўрнидан туриб, ўзи
рулни кўлига олар экан, – Қани, менга беринг! –
қайиқни бор тезлигини ишга солиб, – олға-а-а...

Иккинчи жамоа ҳам қирғоққа чиқди...

Жамоа вакиллари бир-бирларига яқинлашар экан,
қўлларига тош олиб, жанг қилишга шайланишди...
Худди ўтмишдаги пиёда жангчилар каби бақиришиб,
югуриша бошлашди. “Тошбўрон” бошланишига бир
сония қолди...

Ўртага Сергей ва Александр чиқиб:

– Тўхтанглар!..

Барчалари жим бўлиб қолишди.

Сергей Александрни кўзларига қараб:

– Менимча, фикримиз бир жойдан чикди!

Александр унинг гапини тасдиқлаб:

– Ҳа!

Сергей жамоаларнинг қолган аъзоларига қараб,
баланд овозда:

– Биздан айнан шуни кутишган... Бир-
биримизнинг гўштимизни ейишимизни кутишди...

Ўзингизга бир назар ташланг!.. Шу ерга етиб
келгунимизча нималар бошимиздан ўтди?!

Дмитрий жаҳл қилиб:

– Алек, ишонма унга!

Александр Дмитрийга қараб:

– Йўқ, Дмитрий... Бизларнинг талашадиган
нарсамиз йўқ!.. Сенга қайси бири муҳим? Пулми ёки
ҳаётинг?!

Сергей атрофдагиларга қараб:

– Мен бу ерга ютуқни қўлга киритиш учун
келмадим... Сабабини билиш учун келдим! Агар пул
керак бўлса меникини ҳам олинглар!

Александр Еленага ва Екатеринага қараб:

– Биз, энди нафақат бир жамоа, балки, битта
жону - танмиз!

Пётрни ёнида турган Таисия баланд овозда:

– Аввал, бизни шу ерга чорлаган буюмни
топамиз! Сўнг бизларни шу азобларга ташлаган
аҳмоқларни ҳам... – Пётрга қараб, – биргаликда...

Артём: “Кечирасизлар! Балки, ўша буюмни қидиришни бошлармиз?”

Ксения: “Қуёш ботиш арафасида. Улгурмасак – қоронғуда қоламиз!”

Станислав бобо: “Гап нима ҳақида бўлмоқда?..”

Барчалари номаълум нарсани қидира бошлашди...

Рамиль қоя орасида оқ рангли нимадир борлигини пайқайди:

– Топдим! Ана у!..

Дмитрий ва Александрнинг устига Пётр...
Пётрнинг устига Рамиль чиқди. “Тирик нарвон” бўлдилар...

Рамил тош орасидан номаълум нарсани бир амаллаб суғуриб олди:

– Олдим!..

Барчаларининг кўзлари шу нарсада эди. Яна бир “ID-карта”. Фақат, бунда бошқа ёзувлар бор эди.

Рамиль уни ўқиди:

– Ғалаба қилдингиз! Агар бир-бирларингизга ҳамла қилмаган бўлсангиз... Агар ҳеч ким талофат кўрмаган бўлса... Ортга, ўйин бошланган жойга қайтинг ва ютуқларингизни олинг! “Биринчи қадам!”
Энг асосийси бу – ишонч!..

Барчалари бир-бирларини чин кўнгилдан табриклашга тушишди. Сергей билан Александр... Дмитрий билан Пётр... Елена ва Екатерина – Таисия ва Ксениялар билан кучоқлашишди. Бошларидан ўтказган қийинчилик ва ғам-ташвишлари нигоҳларида кўриниб турарди.

Дмитрий машина эшигини очиб:

– Қани, бўла қолинглар! Қуёш ботмоқда!

Москвага борамиз!..

Москва шаҳри.

Ўйин иштирокчилари илк бор “Биринчи кадам” ўйинига ташриф буюрган бино...

Газета, радио ва телевидение ходимлари... Кўнгилли томошабинларга тўлиб кетган кўча... Уларнинг шовқини кейинги кўчаларга ҳам эшитилиб турарди.

Ғолибларни кутиб олиш учун бино ичида ҳам қизгин тайёргарлик кетяпти... Ўйинни ташкилотчилари атрофни байрамона безатиб, уларни келишини интизорлик билан кутиб туришибди.

Ходимлардан бири (жингалак сочли қиз) телефонда ким биландир гаплашди. Сўнг ўйинда бошловчилик қилган йигитчани ёнига келиб:

– Улар етиб келишди!

“Биринчи қадам” ўйинининг бошловчиси:

– Барча-барчага яна бир бор салом! “Биринчи қадам” ўйинимизнинг ғолиблари ва ниҳоят етиб келдилар! Уларни муносиб кутиб оламиз!..

Қарсақлар ва олқишлар бошланди... Шундоққина бинонинг олдида “Шаман” келиб тўхтади. Ғолиблар машинадан тушиб кела бошлашди. Бироқ, уларнинг кўзларида, юзларида ғолиблик нашидаси кўринмас эди... Ўзларини худди бегона дунёга тушиб қолгандек ҳис қилишарди.

Кўчада тасвирга олишлар, олқишлар, қарсақлар бошланиб кетди:

– Баракалла азаматлар! Ура-а! Улар қайтишди!..

Ўйиннинг ғолибларига айланган саккиз нафар инсон кенг залнинг ўртасида бир қатор бўлиб туришарди. Қарсақлар ва олқишлар ҳали тингани йўқ...

Ниҳоят кичик микрофон тақиб олган бошловчи сўз бошлади:

– Ҳурматли хонимлар ва жаноблар! Ғолибларимизни табриклаш учун ушбу ўйинимизнинг

ташкilotчисини даврага таклиф қиламиз! Марҳамат кутиб олинг!

Томошабинлар олқиши ва қарсақлар...

Саҳнага шу ўйинни ташкил қилган шахс чиқиб келди. Башанг кийинган... Ёши олтмишларда бўлган, истарали инсон эди. У микрофонни тақиб:

– Ҳурматли узоқ-яқиндан, шаҳар ва қишлоқдан келган меҳмонлар! Қимматли вақтларингизни аямасдан келганингиз учун барчаларингиздан миннатдорман! Раҳмат! – қўли билан ишора қилиб, – ғолибларимизни кўраяпсизларми? – бошини қимирлатиб, –йўк, кўрмаяпсизлар!.. – ғолибларга қараб, – аммо шахсан мен кўриб турибман!

Томошабинлар кулиб юборишди.

Ўйинни ташкил қилган шахс:

– Ҳаёт – бу тириклик!.. Тириклик – бу табиат!.. Рухсат берсаларингиз сизларга бир савол берсам! Табиат бизга нима берди? Эрта тонгдан барчамиз уйғонамиз... Юз-қўлларимизни ювамиз... Табиат бизга туҳфа қилган сувга! Нонушта қилгани стол атрофига келиб ўтирдингиз... Унда нималар бор?.. Далаларда бир неча ойлаб ўсиб, қанчадан-қанча меҳнатлар эвазига келган нон маҳсулотлари... Минглаб асаларилар, ўнлаб километр учиб, томчилаб териб келган асал... Сигирлар, эчкилардан соғиб олинган сут маҳсулотлари... Турли ўсимликлардан олинган ёғлар...

Балиқлар... Буларнинг барчасини табиат бизга ҳар куни беминнат инъом қилиб келмоқда!

Қўллари билан костюмини ушлаб:

– Мана бу устимиздаги кийимларимизга қаранг?

Башанг кийимларимиз пахта ўсимлигининг ҳаёти эвазига пайдо бўлганини ҳеч ўйлаб кўрдикми?..
Миллиардлаб ипак куртларини ҳаёти эвазига яралганини билармидик?..

Мана, табиат бизга нима берди! Мана, ҳаёт бизга ҳар куни беминнат нималарни тақдим қилиб келмоқда!..

Биз-чи?! Биз инсонлар буларнинг эвазига ҳаётга, табиатга нима бердик?!

Шу гапларни айта туриб, қўлига бир пакетни олиб, давра марказига улоқтирди. Унинг ичидан турли хил маиший чиқиндилар чиқиб, сочилиб кетди.

Ўйинни ташкил қилган шахс:

– Мана, буларнинг эвазига биз нима бердик!..

Атрофдаги томошабинлар уятдан бошларини эгдилар... Тасвирга олаётганлар қўлларидаги камера ва телефонларини тасвирга олишдан тўхтатишди.

Ўйинни ташкил қилган шахс:

– Биз, ҳаёт билан ҳисоблашмай қўйдик! Табиатни ноласини эшитмай қўйдик! – қўллари билан ишора қилиб, – аммо мана бу инсонлар тош деворлар орасидан чиқиб, табиатнинг инсониятга қилган

ноласини, дод-фарёдини эшитишди! Ўз кўзлари билан кўриб келишди! Шахсан мен уларни табиат билан, ҳаёт билан тиллаша олгани учун ғолиб деб ҳисоблайман! – ғалаба қилганларга қараб, – сизлар ҳақиқий маънода ғолиб бўлдиларингиз! Сизларни бу кўрсатган жасоратингиз ва матонатингиз олдида бош эгаман! Ғалаба муборак бўлсин!.. – у ана шундай дея таъзим қилди.

Олқишлар ва қарсақлар атрофни қуршаб олди... Худди янги йил кириб келгандек атроф байрамона тус олди.

Ҳар бир ўйин иштирокчисига “Биринчи қадам” логотипи туширилган қутилар совға қилишди. Улар қутиларни қўлларига олиб бирин-кетин очиб кўра бошладилар. Қутилар ичидан яна бир конверт чиқди. Фақат, конвертнинг орқа томонида тоғ чўққисининг сурати эмас, “ID карта” ва ҳисоб рақамига тушган тўрт миллион рубль ёзилган чек бор эди. Ундан ташқари қутида соф олтиндан махсус “плитка” чиқди. Ҳар бир иштирокчининг ўз исм-шарифлари ёзилган эди унда.

Барчалари қувончдан, ғалабадан жуда мамнун бўлиб бир-бирларини табриклай бошлашди. Улар барча ташвишларини унутиб, жуда-жуда бахтли эдилар!..

“Биринчи кадам” ўйинини ташкил қилган шахс зинадан юқорига чиқаётган пайт унинг ортидан кимдир (Сергей):

– Сизни бир дақиқага мумкинми?

У юришдан тўхтади. Бироқ қайрилиб қарамади...

Сергей унинг ёнига келиб:

– Яхши нутқ сўзладингиз!

Ўйинни ташкил қилган шахс:

– Раҳмат!

Сергей босиклик билан:

– “Ҳа... Сизга ҳам!” Аммо чиқинди ташлашни бас қилишимиз учун бизни дунёнинг нариги четига ташлаб келмагандирсиз? Жаноб ...

Шу пайт унинг костюмидаги исм-шарифи ёзилган “бежик”ига қаради. Ундаги ёзувларни ўқиди:

– ...Смирнов Валерий Иванович!

Сергей бўлиб ўтган воқеани эслади :

– “Бу – қабр тоши!”

Рамиль сакраб турди ва ортига ўгирилди. Сергей тошнинг устини қорлар ва шох-шаббалардан тозалади.

Таисия тошдаги ёзувларни ўқиди:
– Смирнова Кристина Михайловна.
Рамиль давомини ўқиди:
– Биолог – ботаник.

Сергей:
– Смирнова Кристина Михайловна?! У сизнинг...
Смирнов Валерий:
– ... У – менинг онам!”

Смирнов Валерий онаси билан содир бўлган
воқеани эслади:

Тоғ этагида уч киши юқорига кўтарилишга
уринади. Валерийнинг онаси... Оёғи дарахт шохи билан
тахтакач қилиб боғланган. Унинг икки томонидан
ҳамкасблари опичиб олишган... Бир аёл ва эркак...

Смирнова Кристина Михайловна:
– Мени шу ерда қолдиринглар!
Эркак ҳамкасби:

– Йўқ!.. Юқорига чиқамиз! Қани, ўрнингдан турақол!

Аёл ҳамкасаба кўзларида ёш билан:

– Йўқ, сени ташлаб кетолмаймиз!.. Тушунсанг-чи!..

Смирнова Кристина Михайловна:

– Кетинглар!.. Тезроқ!

Шу пайт бир тўда бўрилар улар томон шиддат билан югуриб келар эди.

Аёл ҳамкасаба тинимсиз бақирарди:

– Йўқ... Йў-ў-ўқ!!! Эй, Худойим!..

Унинг шериги аёлни бир амаллаб юқорига тоғ тошлари оралаб судрай бошлади. Ёлғиз ўзи қолган Смирнова Кристина Михайловна икки ҳамкасбига сўнги бор кўзларига ёш тўлиб қаради...

Оч ва йиртқич бўрилар Кристинанинг ёнига етиб келди...

Сергей “Дардингизга шерикман” деган маънода Смирнов Валерий Ивановичнинг елкасидан кучди...

Омск вилояти. Омск шаҳри.

Елена фарзандлари ва набираларини бағрига босди. Энг сўнгида етиб келган ногиронлар аравачасидаги кичик набирасини қаттиқ қучоқлаб:

– Сен айтгандай қилдим! Дунёни айланиб чиқдим! Сен учун!..

Уларни ёнида Александр ва Екатерина ҳам туришарди... Барчаларини кўнгли таскин топди. Ўз ҳаётларидан бениҳоя мамнун!..

Хабаровск ўлкаси. Хабаровск шаҳри.

Дмитрий янги “ЛАДА – Ларгус” машинасида ўз уйи олдига келиб тўхтади. Уч фарзанди унинг ёнига югуриб бориб қучоқлади. Эшик олдида турган хотини кўзларидаги ёшларини беркитиб, ёғоч эшикнинг ромига пешонасини қўйди. Барчалари бу ўзгаришлардан жуда бахтиёр...

Ростов вилояти. Ростов-на-Дону шаҳри.

Таисия ўз уйига етиб келди. Албатта Пётр билан... Эшикни очган Таисиянинг ота-онаси қувончдан йиғлаб юборишди. Улар фарзандини бағрига босиб, ёш боладек қичқиришарди...

Татарстон Республикаси. Қозон шаҳри.
Аквариум ва балиқлар сотиладиган дўкон...
Дўконга солиқчилар келишди ва улардан бири деди:

– Бу дўконнинг эгаси ким?
Рамиль уларни ёнига келиб, жилмайганча:
– Дўконнинг эгаси мен!
Солиқчи:
– Менга қара болакай?..
Сергей келиб унинг гапини бўлиб:
– ... Болакай рост айтди! Дўконнинг эгаси – шу йигит! Менинг набирам!..

Ленинград вилояти. Санкт-Петербург шаҳри.

Балиқчи – Большаков Юрий Семёнович (51ёшда) нинг хонадони.

Уй эшигининг қўнғироғи чалинди. Буни эшитган Юрий:

– Бораяпман! – дея эшикни очди.

Остона олдида ёш йигит қўлида қандайдир хужжат кўтариб турганча унга:

– Салом! Большаков Юрий Семёнович сизми?

– Ҳа, мен!..

– Топилмалар идорасиданман. Аризангизга мувофиқ, йўқотган буюмингизни топдик! Моторли қайиқ – “Волжанка – 53 Фиш”, шундайми?

– Ҳа, қани у?!

Топилмалар идорасидан келган йигит эгилиб, дазмол қутисидек келадиган қутини ердан олиб, Юрий Семёновичнинг қўлига тутди:

– Мана, қайиғингиз!..

Юрий, йўқолган қайиғи “солинган” қутини уй ичига олиб кирди. Стол устига қўйиб, уни оча бошлади. Қути ичидан “Волжанка – 53 Фиш” нинг кичик макети чиқди. Юрийнинг шу вазиятдаги аҳволини тасаввур қилиш қийин эмас эди. У макет ичида қандайдир қоғоз бўлаги борлигини кўриб қолди. Қўллари билан қоғозни олиб, ундаги ёзувларни ўқиди:

– Қайиғингизни қайтаришга ваъда берган эдик!

Юрий Семёнович қайиқ макетининг ичида олтиндан “плитка” борлигини кўриб қолди. Уни ҳам кўлига олиб, қарай бошлади. Деразадан тушиб турган куёш нурларида товланаётган олтин бўлагидаги ёзувларни ўқиди:

– Сергей Игоревич Данилов.

Бурятия Республикаси. Усть-Баргузин.

Автомобиль таъмирлаш устахонаси олдида бир йигит машина (“ГАЗель-фермер” ГАЗ-330273) ни таъмирлаш билан овора эди. Шу пайт ижарага қайиқ берадиган Станислав бобо машина (ЛуАЗ – 969М) си ва тиркамада қайиғи билан келиб унинг ёнига тўхтади.

Машинасидан тушиб, уста йигитнинг ёнига келиб:

– Васия, ўғлим! Қайиғимдан сув ўтаяпти. Шуни бир кўриб бергин!

Васия қўлларини бир бўлак мато билан тозалаб, унга яқинлашар экан:

– Бобо! Ахир, мен машина тузатаман!

Станислав бобо:

– Нима фарқи бор? Бу ҳам машина! Фақат, сувда сузади...

Васия ялинишга ўтди:

– Ахир, бобо тушунсангиз-чи!

Станислав бобо:

– Ҳозир... Эсимдан чиқибди. Кампирим атайин сенга деб қуймоқ пишириб, бериб юборди. Жуда-а мазали!

Васия:

– Бобо, майли! Кўндирдингиз... Тузатиб бераман!

Станислав бобо унга газетага ўралган қуймоқларни бериб:

– Мана, ўғлим! Мен эртага келаман! Машинамни ҳам бир кўргин! Негадир яна-а инжиқлик қилишни бошлади.

Васия таомни унинг қўлидан олиб:

– Яхши, майли! Эртагача...

Станислав бобо аста-секин қадам босиб уйига кетди. Васия машинага ўтириб, газетани очди ва ундан мазали қуймоқни олиб еди.

Васия:

– Ҳақиқатдан ҳам жуда мазали!

Яна битта қуймоқни олаётганида газетадаги бир сарлавхани кўриб қолди. Унда шундай деб ёзилган эди:

– “Биринчи кадам” ўйинида иштирок этинг ва тўрт миллион рублга эга бўлинг! Ўйинда қатнашиш бепул. Маълумот учун телефон...

Джамшид ШЕРБУТАЕВ

БИРИНЧИ ҚАДАМ, ЁХУД МУВОЗАНАТ

Nashriyot litsenziyasi №AI 4038 , 08.08.2020 y.
Ofset qog'ozi. Bosishga ruxsat etildi 12.28.2022.

Format 60x84 1/16. Garnitura
“Times New Roman”. Bosma taboq 6.0 Adadi
300 nusxa. Buyurtma №45.

